

Боқий фикр

Бизнинг ишларимизга
кимки баҳо бермоқчи
бўлса, бугунги
ёшларимизга,
уларнинг онги ва
дунёқаршига боқсин.



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Ислом КАРИМОВ

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 22-fevral, chorshanba № 15 (8456)

«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ — РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16-17 февраль

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ва глобал рецессиянинг таҳдид солаётган янги тўлкини дунёнинг аксарият давлатларига ҳамон ўз таъсирини кўрсатаётган бугунги кунда жаҳон барқарор иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишга эҳтиёж сезмоқда.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намойён эта олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган тажриба билан кенг таништириш мақсадида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлатидан, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди. Ушбу нуфузли форумда БМТ Бош қотибининг уринбосари, Осиё тараққиёт банки президенти, Ислом тараққиёт банки президенти, қатор хоржий мамлакатлардан

вазирлар, соҳага тегишли қўмиталар раҳбарлари ва парламентлар депутатлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципи асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон танлаган «Ўзбек модели»нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги демократик, тараққиёт тоған мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделлари такрорланмаган ҳамда улардан нусха кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафқуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, унибўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

(Давоми 2-бетда.)

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНД ВА БУХОРОНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИЛАР

Тошкентда 16-17 февраль кунлари «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Форум иштирокчилари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилдилар.



16-17. 02. 2012, TOSHKENT

Мамлакатни

топишда муҳим омил бўлаётди. Зеро, давлатимиз раҳбари ёшларнинг таълим-тарбияси ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажакимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этишини доимо таъкидлаб келади. Шу маънода, ёшларга мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгиланиш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида ҳал қилувчи куч, таълим ва суянч сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида бир минг икки юздан ортиқ умумтаълим мактаби, 158 касб-ҳунар коллежи ва 14 академик лицей, 7 олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларда 43 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 17 «Баркамол авлод» маркази, 34 болалар мусика ва санъат мактаблари ёшлар таълим-тарбияси билан банд.

(Давоми 3-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БОЛАНИНГ ҚИЗИҚУВЧАН ТАБИАТИ

Уни уйин фаолияти
орқали таълимий
жараёнга жалб этиш
самараси

5-бет

БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Унда мактаб
психологининг урни
қай даражада?

6-бет

ҲОМИЙЛИК ТАШКИПОТИ

Унинг фаолияти қандай
тартибга солинган?

11-бет

СКОПЛОЗНИНГ ДАВОСИ СПОРТ БИЛАН ШУГУЛЛАНИШДИР

15-бет

«ТАЪЛИМ ВА КАРЬЕРА»



Кеча ўз фаолиятини бошлаган «Таълим ва карьера» VII халқаро кўргазмаси «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ёшларнинг иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази ташкилотчилигида Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтаётди.

(Давоми 6-бетда.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Конференция қатнашчилари мамлакатимиздаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Конференция таълим тизимининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватлади:

- Бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис XXI аср — интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

- Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардорлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

- Ҳар қандай давлат мамлакатнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобаллашув даврида билимлик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

- Миллий ва умуминсоний кадрларни уйғунлаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илмор технологияларга эга одамларни ривожланиш борасида ўз олди-га қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

- Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектага эга одамларнинг мавқеини ошириш; таъ-

«ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ — РЕЗОЛЮЦИЯСИ

лим ва касб-хунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажақдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгида умуминсоний кадрлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан муштарақлиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий принциплари бўлиши лозим.

- Таълим соҳасида, ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар, ҳам замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вақиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари ўзбекистоннинг куйидаги йўналишлар бўйича тажрибасини алоҳида эътироф этиш ва чуқур ўрганиш лозимлигини тавқидлайди:

- Мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилади.

- 9+3 схемаси бўйича ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда умумтаълим мактабидидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 мутахассислик бўйича касб-хунарларни эгаллайди. Бу ўқувчиларга иқтисодиётнинг энг истиқболли ва қўлама кенгайиб бораётган соҳаларида касб-хунар кўникмаларига эга бўлиш имконини беради.

Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

- Ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйгани. Бу келажақда таълим муассасалари битирувчилари меҳнат қиладиган корхоналарнинг эҳтиёжларини аниқлаш имконини беради.

- Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик-толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона Ziyonet ахборот-таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилгани. Бу ўқувчиларнинг зарур ахборотлардан фойда-

ланиши, видеоконференциялар, семинарлар ўтказиш, масофадан туриб ўқиш ва ўқув машғулоти учун мультимедиа аудиторияларини ташкил этишда кенг шароитлар яратиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон таълим тизимида технологиялар ва замонавий медиа ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланишга хизмат қилмоқда.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида ташкил қилинган махсус Жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш. Спорт билан шуғулланиш ва болалар, жумладан, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бевосита Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартларига йўналтирилган. Мамлакатда болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича уч босқичдан иборат, мактаб ўқувчилари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларни ўз ичига олган ноёб тизим яратилган.

Конференция иштирокчилари куйидагиларни қайд этдилар:

- Ижтимоий-маданий омилларни, таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган маданиятни тушунамаслик, унга етарлича баҳо бермаслик маданиятни фақат одамларнинг дам олишини ташкил этиш воситаси сифатида юзаки ҳамда бирёқлама тушуниш билан баробардир, бу иқтисодий онгни шакллантиришда уни етарлича баҳолашмаслик олиб келади.

- Таълим тизимини ислоҳ қилишда том маънодаги билимли, яхши тарбия қўрган ва маънавияти юксак одамларгина ҳар қандай, энг мураккаб муаммоларни ҳам зўравонлик ва адоватга берилмасдан ҳал этишга қодир эканини эътиборга олиш даркор.

- Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг пировард натижаларига таъсирини баҳолашнинг кўрсаткичлари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро конференция иштирокчилари ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда, куйидагиларни тавсия этадилар:

кадрлар тайёрлаш сифатини, уларнинг рақобатбардорлиги ва кадрларга бўлган эҳтиёжини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, миллий таълим тизимларини модернизация қилиш. Таълимнинг мавқеини шундай да-

ражага етказишни таъминлаш керакки, билим олишга интилиш ёш авлодининг энг муҳим мақсади ва вазифаларидан бирига айланиши лозим;

Ўзбекистон мисолида ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида жорий этиш имкониятини ўрганиш. Бу баркамол шахсни шакллантириш ва тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилик томонидан эътироф этилишининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади;

таълим ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида ҳаётининг таркибий қисмига айланиши имконини яратадиган узлуксиз таълим тизимини жорий этиш. Шу муносабат билан "Билим — бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун" концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

аҳолининг, шу жумладан, олис қишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичда бепул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш имкониятини кенгайтириш;

таълим тизимини такомиллаштириш ва уни молиялаш манбаларини кенгайтириш. Давлат бюджетининг шу мақсадларга йўналтирилган харажатларига мамлакат миллий бойлиги ўсиши учун сарфланаётган муҳим инвестициялар сифатида қараш. Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизи ва Давлат бюджетни харажатларининг 35 фоизини йўналтириётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

таълим тизимини ислоҳ қилишда Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги тажрибасини ҳисобга олиш;

таълим тизимларининг таълим, касб тайёргарлиги, илм-фан, маданият ва спорт баркамол ёш авлоднинг тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланадиган комплекс, кенг қамровли хусусиятларини таъминлаш;

энг яхши хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда фаол қўллаиб келинаётган амалиётни ривожлантириш;

иқтисодиёт таркибидаги ўзгаришлар ва жамиятнинг муҳим эҳтиёжларига мувофиқ, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтирган ҳолда ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш;

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ САМАРҚАНД ВА БУХОРОНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўқитишнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Ўқув дастурларида умумий ва қўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шунингдек, ўқитиш мазмун-моҳиятини реал ҳаётти эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштиришни кўзда тутиш;

халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институционал ва таркибий ислохотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шакллари ва интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанлари соҳасида ўқитиш компонентларини қучайтириш;

таълимни жадал ривожланаётган ва юқори технологияли меҳнат бозорига эҳтиёж катта бўлган мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш учун таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва инженерлик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятга эга тизимини жорий этиш;

барча ўқувчилар ва ўқитувчилар таълим жараёнининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот ресурсларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлаш, электрон ўқитишни кенг татбиқ этиш, ўқитишнинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш;

ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўргатишни кенгайтириш, бу ёшларнинг ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини, шунингдек, уларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашини таъминлайди.

Халқаро конференция иштирокчилари Халқаро молия институтлари, донор мамлакатларга қуйидагиларни тавсия этадилар:

ривожланаётган мамлакатларга барча босқичдаги таълим тизимлари, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантиришга техник қўмаклашиш учун грантлар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш;

таълим тизимини, жумладан, халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш ва тажриба орттириш, шунингдек, мақолалар чоп этиш орқали ривожлантириш борасида жаҳондаги энг илғор тажрибаларни омалаштиришга қўмаклашиш;

ривожланаётган мамлакатларга дунёнинг тараққий этган давлатларидаги ўқув юртли ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда қўмаклашиш.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати га мазкур анжумани юксак савияда ташкил этгани ва ўтказгани учун миннатдорлик билдиради.

Конференция Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг таълим технологияларини ривожлантириш ва меҳнат бозорига шароитларнинг тез ўзгариб бораётганини эътиборга олган ҳолда, таълим тизимини юксалтириш ва модернизация қилиш жараёнида эксперт-мутахассисларнинг доимий мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишининг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлайди.

— Мазкур халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини ва барча иштирокчилар учун фойдали бўлганини таъкидламоқчиман, — деди **БМТ Бош қотибнинг ўринбосари Нойлин Хейзер хоним**. — Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг халқаро конференцияда иштирок этиши ва нутқ сўзлаши ушбу йirik анжуманнинг нуфузини янада оширди. Юртингизда таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида ёшларнинг замонавий технологиялар бўйича билим олиши учун яратилган шарт-шароитларни кўрдим. Бугунги замонда ахборот технологияларининг ҳаётимиздаги ўрни ва роли ошиб бораётганини эътиборга олсак, мамлакатингизда мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаёлаётгани гоят оқилона ёндашувдир ва бу ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистонга таширими давонида дунёга машҳур Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш, бу ердаги

таълим модели барча мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги қатор таълим муассасаларида, жумладан, Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей, Тошкент ахборот технологиялари университети филиали, 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб, ўқувчилар ва талабалар учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар. Дарс жараёнида иштирок этиб, Самарқанд ёшлари билан бевосита мулоқотда бўлдилар.

— Шинам ва ёруғ хоналарда таъсил олаётган ёшларнинг ақл ва заковатига ҳавас қилмасдан илож йўқ, — дейди **Халқаро ислом университети ректори, профессор Залеха Камарудин хоним (Малайзия)**. — Ўзбекистоннинг нафақат пойтахтида, балки барча ҳудудларида халқаро стандартларга жавоб берадиган таълим муассасалари ва сифатли ўқув тизими мавжудлигини алоҳида қайд этишни истардим. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан юртингизда қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-

дан кенг бахраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлаётди. Самарқанд шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби болаларнинг ихтисослаштирилган мусиқа таълимини ривожлантириш ҳамда шу асосда мусиқа маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш борасида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

— Мазкур мактабда таъсил олаётган ўқувчиларнинг санъатга меҳри, қўшиқ айтиш санъати ва турли мусиқа асбобларида гўзал куйларни маромига етказиб ижро этиш қобилияти мени хайратга солди, — деди **Лас Вегас университети таълимий департаменти директори Керри Трентман хоним (АҚШ)**. — Мамлакатингизга илк марта келишим. Ташрифим асносида қадимий Самарқандни кўриш, тилларда дoston меъморий обидалар ва бебахо тарихий ёдгорликларни, муқаддас қадимий жойларни зиёрат қилиш имконига эга бўлганимдан бениҳоят бахтиёрман. Айниқса, Улугбек расадхонаси ва Регистон мажмуаси менда унутилмас таассурот қолдирди. Шаҳардаги замонавий иншоотлар халқингизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яққол намойён этиб турибди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Самарқанд ва Бухоронинг кўплай диққатга сазовор жойларида бўлиб, қадим шаҳарларимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Самарқанддаги муаззам Регистон майдони, Улугбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари, Амир Темир макбараси ҳамда Улугбек расадхонаси, Бухородаги Арк қалъаси, Пойи Калон, Нодирдевонбеги ва Баховуддин Нақшбанд мажмуаларини катта қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи, Бухоро вилояти мусиқали драма театрини ўз ичига олган Бухоро маданий маркази мажмуи анжуман иштирокчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу халқаро конференция ҳар бир иштирокчи учун гоят самарали бўлди, — деди **Бельгиядаги Франция геосёсат институты етакчи эксперти Пьер-Эммануэль Томани (Бельгия)**. — Тадбир давомида хориқлик меҳмонлар Ўзбекистоннинг нафақат таълим тизимида, балки сайёҳлик соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга эканига амин бўлдилар. Мамлакатингиз ҳудудларидаги ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимни ва олий таълим муассасалари ҳам пойтахтингиздаги каби жаҳон стандартларига жавоб берувчи барча зарур шароитларга эга эканини кўрдик. Таълим муассасаларининг муҳташам бинолари барча қулайликларга эга экани, энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани конференция иштирокчиларига жуда манзур бўлди. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ёшларининг дарс жараёнларидаги фаоллигини кузатиб, исталган мавзу юзасидан ўқитувчилар билан тенгма-тенг баҳслаша оладиган чуқур тафаккур ва билимга эга эканига амин бўлдим. Айниқса, уларнинг одоби, маданияти менда унутилмас таассурот қолдирди. Ёшларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашишини кўриб, Ватанига содиқ фарзандлар эканига ишонч ҳосил қилдим.



тарихий обидаларни кўриш имкониятига эга бўлганимдан гоят бахтиёрман. Самарқанд тасаввур қилганимдан ҳам гўзал ва мафтункор экан.

Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши президенти Дэн Дэвидсоннинг (АҚШ) фикрича, бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш, иқтидорли талабалар сифини кенгайтириш, профессионал-маҳоратли кадрларни етиштириш жаҳоннинг барча мамлакатлари учун бирдек долзарбдир. Шу нуктага назардан, Ўзбекистонда ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишининг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференциянинг аҳамияти гоят каттадир. Зеро, нафақат муайян бир мамлакат, балки бутун жаҳон иқтисодийётининг ривожини таълимнинг сифати билан узвий боғлиқдир.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг халқаро анжуманининг очилишидаги нутқи мамлакатингиз таълим тизимида эришилган муваффақиятлар, пухта ишлаб чиқилган таълим моделига оид фойдали маслаҳатларни қамраб олгани билан форумнинг барча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, — деди **Дэн Дэвидсон**. — Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва муваффақиятли татбиқ этилаётган ушбу

авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам юксак эътироф ва таҳсинга лойиқдир. Ўзбекистоннинг икки бетақорор шаҳри — Тошкент ва Самарқанд ўртасида қатнаётган «Afrosiyob» тезювар электропоезди йўловчиларидан бири бўлганимдан мамнунман. Ушбу замонавий, қулай, йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган поезд юртингизда барча соҳалари каби темир йўл тизими ҳам изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг, мусиканинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёлари, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъати муҳим ўрин тутди. Президентимиз Ислом Каримовнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналари-



❖ Гулистон давлат университетиди Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобини ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини ўқувчиларга кенг очиб бериш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этишди.

— Ватанамиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китобининг нашр этилиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлди, — дейди Гулистон давлат университети проректори Р.Маҳмудов. — Миллий истиқлолимиз тарихини ўрганиш борасида қимматли манба бўлган мазкур китоб жамоатчилик, айниқса, ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий тафаккурини юксалтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Тадбир қатнашчилари китобда баён этилган гоё ва қарашларни Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, қонунчилик ташаббуслари ҳамда белгилан берилган устувор вазибалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлигини таъкидладилар.

❖ Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабиди "Тил — миллатнинг бирлиги ва борлиги кўзгуси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази ҳамкорлигида 21 февраль — Халқаро она тили кунини муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда таълим фидойилари, услубчилар, тилшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқувчилар қатнашишди.

Мамлакатимизда она тилимиз — ўзбек тилини ривожлантириш, унинг софлигини сақлаш билан бирга, ўқув муассасаларида ёшларга пухта ўргатиш орқали ўқувчилар қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёсига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғусини мустақам қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси «Она тили», «Адабиёт», «Ўзбек тили», «Ватан туйғуси», «Одобнома», «Миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари» сингари фанлар орқали ёшларга пухта ўқитилмоқда.

Семинарда тилшуносликка доир ўқув адабиётларини яратилишига долзарб масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

❖ Нукусда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан туризм соҳасини ривожлантириш мавзусида семинар ўтказилди.

Сайёҳлик бюролари, меҳмонхоналар, музейлар раҳбарлари, турли хизмат кўрсатиш ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда ушбу йўналишдаги ишларни замон талаблари асосида янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда янги туристик маршрутлар очил, хорижлик ва маҳаллий сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича халқаро талабларга мос шарт-шароит яратил, маданий, кўнгилочар дастурлар ташкил этиш, гид-экскурсоводларнинг билим ва малакасини оширишга доир вазибалар белгиланди.

❖ Узун туманида 2011 йилда ноозик-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 4та лойиҳа амалга оширилиб, 80 нафардан зиёд ўғил-қиз доимий иш билан таъминланди. Таъкидлаш лозимки, уларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ҳисобланади.

Хусусан, «Ғаниҳон Аъзамов» хусусий корхонаси қошида йилга 24 минг дона болалар кийим-кечаклари тиқиш қувватига эга замонавий тикувчилик цехи фаолият бошлади. Ушбу лойиҳа рўйи учун 100 миллион сўм сарфланди.

Замонавий тикув машиналари билан жиҳозланган корхона цехларида 15 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар тайёрлаётган сифатли ва бежирим либослар худуддаги савдо шаҳобчаларига етказиб берилмоқда.

ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўлланган материаллар асосида тайёрланди.

ИШҚОРЛИ ЦЕМЕНТ

ҳам тежамкор, ҳам мустақкам

Самарқанд архитектура ва қурилиш институти олимлари томонидан ишқорли цемент кашф қилинди. Ушбу қурилиш махсулоти ҳозир фойдаланилаётган цементдан анча мустақкамлиги билан ажралиб туради.

Институтининг қурилиш материаллари кафедраси доценти Аминжон Султонов кашф қилган мазкур ишқорли цементнинг хомашёси чиқиндилардан олинishi билан аҳамиятлидир.

— Ушбу цемент асосан таркибиди ишқорли элементлар бор бўлган чиқиндилар ва маҳаллий цемент қоришмаси асосида ишлаб чиқарилади, — дейди тадқиқотчи А.Султонов. — Хомашёни асосан кимё заводалари чиқиндиларидан олаёламиз. Чиқиндилардаги баъзи кимёвий элементлар цементнинг мустақкамлигини оширмоқда. Шунини таъкидлашим керакки, Навоий вилоятида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий цементнинг сифатлиги, қувватлиги 400 маркани ташкил этса,

яратганимиз — ишқорли цементнинг қувватлилик даражаси 300 дан 1200 маркагача етади. Бу зилзилалар,

турли офат ва босимларга ўта чидамлиги, мустақкамлигидан дарак. Синов жараёнида унинг эрозия ва тузларга чидамлиги кўздан кечирилди. Агар ҳозир фойдаланилаётган цемент шўрхок ерда ўртача 3 йил чидаса, ишқорли це-

Yangilik



ментимиз ўртача 15–20 йилгача бардош бера олади.

Этиборлиси, мазкур ишқорли цементдан нефтьгаз қувурлари ёнини зичлашда фойдаланиш мумкин. Ишқорли цементнинг яна бир афзаллиги томони шундаки, ундан асалган бетон плиталар жудаям енгил ва зах тортмайди. Ушбу қурилиш материалдан уй устини ёпишда қоплама сифатида фойдаланса ҳам бўлади. Энергетик жиҳатдан тежамкорлиги ҳам шун-

даки, бу цементдан бунёд этилган уй ичи қиш кунлари иссик, ёзда эса салқин бўлади.

— Ишқорли цементни халқ ҳўжалигида фойдаланиш учун патент олганимдан сўнг, уни ишлаб чиқариш йўлларини қидирдим, — дейди Аминжон Султонов. — Илмий изланиш билан бирга тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳам тўғри келди. Ўтган йил ёз мавсумида Ўзбекистон — Россия — Белорусь ҳамкорлигида «Алина Инвест» қўшма корхонасини ишга туширдик. Инвесторлар замонавий технологияларни олиб келишда ёрдам бердилар. Маҳаллий хомашё асосида ишқорли цементни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйдик. Айни пайтда мамлакатимизда бунёд этилаётган биноларда биз ишлаб чиқараётган ишқорли цементдан ҳам фойдаланилмоқда.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

ИБРАТЛИ ХОНАДОН СОҲИБЛАРИ

Андижон шаҳридаги 2-маиший хизмат касб-хунар коллежиди «Ибратли хонадон соҳиблари» мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

«Мустақкам оила йили» муносабати билан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон шаҳар бўлими кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда намунали оила

вакиллари ҳамда коллеж ўқувчилари қатнашдилар. Давра сўхбатида сўз олган нуруий кексалар ёшларнинг оилани мустақкамлаш борасидаги саволларига жавоб бердилар.

Тадбир сўнггида «Ибратли хонадон соҳиблари» саҳна кўриниши намойиш этилди.

О.СИДДИҚОВ

БОБОЛАР МЕРОСИ-ИБРАТ МАКТАБИ

Пойтахтимиздаги 274-мактабда Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзолари Зикрилла Незмат, Ахтамкули Карим, Мунаввара Усмонова ва филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиев билан учрашув бўлиб ўтди. Ижодкорлар асрлар давомида алло-

маларимиз томонидан яратилган адабий, илмий меросимизнинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, беқиёс хазинадан оила мустақкамлигини асраш, ота-онага ҳурмат, халқ гамида яшаш, яхшилик қилиш каби фазилатларни ўрганишлари лозимлигини

таъкидлашди. Ўқувчиларнинг она-юрт, Ватан ҳақида ёдлаган шеърлари, ижро этган дилрабо рақс ва қўшиқлари, ижодкорларнинг турли мавзуда ўқиган шеърлари тадбирни янада бойитди.

Махмуда ЗОИРХОН қизи



Устоз ва шогирд. Бири ўргатади, бири ўрганади. Бугун таълим тизимида устоз-шогирд аъваллари муваффақиятли жорий этилмоқда. Бундан кўзланган мақсад таълим мазмунини ривожлантириш, илгор тажри-

балар билан ўртоқлашиш ва ўқувчиларнинг пухта билим олишини таъминлашдан иборат. Пойтахтимиздаги 194-мактабда ўзбек тили фанидан кўча қондалари мавзусида очик дарс бўлиб ўтди. Унда устоз-ўқитувчи ва

шогирд-ўқитувчи ёнма-ён туриб дарс ўтдилар.

Ўзбек тили фани бўйича "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг Республика босқичи қолиби, Учтепа туманидаги 107-мактаб ўқитувчиси Ниғора Салимова-нинг шогирди 194-мактаб ўқитувчиси Жаннат Ангурова ташкил этган дарсни тумандаги мактабларнинг ўзбек тили ўқитувчилари ва методистлар кузатиб бордилар.

Шогирд-ўқитувчи Ж.Ангурова дарс давомида ўқувчиларни фаоллаштириш учун мавзуга оид кўргазмали қуроллардан ҳамда интерфаол усуллардан унумли фойдаланди. Машғулотнинг мазмунли ташкил этилгани, унда ўқувчиларнинг фаол иштирок этгани шогирд-ўқитувчи Жаннат Ангурова устозининг илгор тажрибаларини пухта ўзлаштирганидан дарак бериб турибди.

Суратда очик дарсдан лавҳа акс этган.

Бурҳон РИЗО
олган сурат.

БОЛАНИНГ ҚИЗИҚУВЧАН ТАБИАТИ

уни ўйин фаолияти орқали таълимий жараёнга жалб этиш самараси

Жамолiddин исмли синфдошимиз бор. У биздан 3 ёш кичик. Мактабга 6 ёшида борган. Кейин бир йил синфдан-синфга «сакраган». Синфдошимга ҳавасим келарди. Чунки у университетни тугатаётганда тенгқурлари ҳали энди кириш имтиҳонларини ўйлаб, ҳаяжонланиб юришганди...

Баъзи ота-оналар болани 7 ёшдан эмас, 6 ёшга тўлганида мактабга беришни афзал биладилар. Ҳозир кўпчилик мактаб ёшига етгунча фарзандларига ҳарф танитиб, бошланғич мактабда олинадиган билимларни эртароқ ўргатиш мақсадида ҳар хил тайёрлов тўғрисида қарар қабул қилишади. Аслида, болага неча ёшдан ҳарф танитишни бошлаш керак?

— Мутахассислар томонидан 7 ёш, деб белгилаб қўйилган, — дейди психолог Шоира Шодмонова. — Чунки, бу ёшда бола ҳам ақлан, ҳам жисмонан ривожланган бўлади. Қолаверса, уларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжи, ўзи билан боғлиқ суҳбатларга муносабати, сабр-тоқат ва диққати шаклланади. Агар 6-6,5 ёш болада мактабга боришга қизиқиш юқори бўлса, албатта, тегишли мутахассис кўригидан ўтиши керак. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, махсус кўриқдан ўтган бола қўйилган талабларга жавоб берса, дунёқараши, фикрлаши, нутқ бойлиги меъёрида деб топилса, мактабга қабул қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Бир ёшли бола ҳарф таний олади!

Шу мавзуда изланиб, қизиқ маълумотни ўқиб қолдим. Farzand.uz сайтидаги бир мақолада берилишича, ўқитишни бир ёшдан бошлаш мақсадга мувофиқ экан. Бу фикр америкалик олимлар томонидан илгари сурилган.

Гленн Доман методикаси. Ушбу методика профессор Гленн Доман томонидан яратилган бўлиб, у 1 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг қизиқувчанлиги ва маълумотларни тез қабул қила олиш қобилиятини унумли фойдаланишни таъкид этади. Бу метод бўйича ҳаракат қилинса, 2 ёшли бола ҳам бемалол 40дан ортиқ сўзни ўқий олади. Таҳрибатдан келиб чиқадиги, 6 ёшли болани ўқишга ўргатганда нисбатан 6 ойлигидан бошласа, ўта осон кечаркан.

Гленн Доман ўз ғоясини илгари сувар экан, болаларнинг қуйидаги имкониятларини асос қилиб олади:

* 5 ёшдан кичик бўлган болалар катта ҳажмдаги маълумотни осонлик билан ўзлаштири олади. Агар бола 4 ёшдан кичик бўлса, бу жараён янада осон ва самарали кечиши мумкин. 3 ёшдан кичик бўлса, ундан ҳам осон. 2 ёшдан кичикларга эса, ундан-да осон ва самарали машғулот олиб борса бўлади;

* 5 ёшдан кичик бўлган болаларнинг маълумот қабул қилиш тезлиги бекиёс;

* бола 5 ёшгача қанча кўп маълумотга эга бўлса, уларни шунча кўп эслаб қолади;

* улар жуда ҳаракатчан ва бекиёс энергия манбаига эга;

* ўқиш ва ўрганишга катта қизиқиш билдирадидилар;

* 5 ёшгача бўлган болалар ўқишни ўргана оладилар;

* 5 ёшгача бўлган болалар бирор тилни бемалол ўрганадилар ва ҳатто бир вақтнинг ўзида бир неча тилларни ўзлаштиришлари мумкин.

Бу маълумотларни ўқиб, баъзиларига ишонсак, айримларини ақлга сиғдираолмаймиз. 12 ёшида университет талабаси бўлган, 20 ёшида докторлик диссертациясини ёқлаган болалар ва ўсирилган ҳақида эшитганмиз. Бу жиҳатдан ўйлаб қарасак, Гленн Доман нақд қилаётган натижаларга эришса бўлади. Аммо бунда болаларнинг имконият даражаси билан ҳисоблашни шарт.

Гленн Доман ўқишни ўргатишни бошлаш учун энг қулай давр 1 ёш, деб белгилар экан, машғулотлар икки асосий тамойилга асосланишни таъкидлайди: биринчиси — муносабат ва ёндашуви, иккинчиси — ўқиш материаллари ҳажми ва кетма-кетлиги.

Машғулот қуйидагича:
Энг аввало, болага маълум бўлган сўзлар белгилаб олинади. Масалан, нон, она, ота, олма каби содда

сўзлардан бошлаб, кейин аста-секин мураккабларига ўтилади. Квадрат қўринишидаги картонни олиб, уни 9та каттача бўламик ва ҳар бирига бир сўзни ёзамиз. Кейин уларни бирма-бир кўрсатиб, содда-содда, тушунарли тарзда талаффуз қиламиз. Машғулот ўйин тарзида қунига ҳар ярим ёки бир соатда такрорлаб турилади. Бир ҳафта ўтгач, ўша сўзлар ёзилган картонларни кўрсатиб, нималигини сўраймиз. Бунда вақт ораллигини тўғри белгилаш жуда муҳим аҳамиятга эга. У жуда қисқа бўлиши керак. Бошланишига ўйинлар бир кунда 3 марта ўтказилади. Ҳар бир машғулот бир неча сония давом этади.

Машғулот материаллари қуйидаги компонентлардан иборат:

1. "ОНА", "ОТА" ва "фарзандингизнинг исми" таллаб олинган сўзлардан алоҳида бошқа-бошқа карточкаларга ёзилади. Карточкаларнинг баландлиги 15 см., узунлиги 60 см. бўлиши керак. Ҳарфлар 12x10 см. ҳажмда, орасидаги масофа эса 1 см. Улар қизил рангли фло-мастерда босма шаклда кўрсатилади (Бу "биринчи қадам" деб аталади).

2. Асосий йигирмата "мен" сўзлар ("иккинчи қадам") ҳам оқ картонда 12 см. баландлик ва 60 см. узунликда қизил босма ҳарфлар билан ёзилади.

3. "Учинчи қадам"да эса бизни қуршаб турган олам ҳақидаги сўзлар оқ картонга юқоридаги талаблар бўйича ёзилади.

Барча материаллар катта қизил ҳарфлардан бошланиб, секин-аста қора оддий босма ҳарфларга ўтилади. Бошида катта ҳарфлардан фойдаланишнинг сабаби, уларни кўриш осон, қизил ранг эса кичикойлларнинг диққатини тез тортади.

Агар бола хоҳламаса, мажбурламаслик лозим. Метод муаллифи яна бир жиҳатни алоҳида айтиб ўтади. Яъни, ўйин машғулотини вақтида тугатиш. Машғулотни жуда сезгирлик ва диққат билан олиб бориш кераки, бунда бола сабри тугаб, ўзи тўхтатмасидан олдин яқунлашга эришиш муҳим. Агар шунга эришсак, бола кейин ўзи яна бу ақли ўйинни давом эттиришни сўрайди.

Дарсларда ухлаб қолади...

Ушбу метод билан танишиб чиқар эканман, беихтиёр 1 ёшли яхиямни кўз олдимга келди. Ҳақиқатан ҳам, унинг диққати кучли ва шу билан бирга ўзгарувчан. Телевизорда тез-тез ўтаётган кадрларни илғай олади. Рекламанинг овозини ажратади, таниш жумлани эшитганидан бурилиб экранга қарайди ва ўзинча хурсанд бўлади. Унга расмлар орқали ҳайвонлар, буюмларни таништириш, ўргатиш мумкин. Аммо, назаримда, ҳарф танитиш унинг учун бирмунча оғирроқ.

— Бир ёшли болалар ҳам қайсидир



маънода сўз бойлигига эга бўлади: 400 дан 600гача сўз билишлари мумкин, — дейди Ш.Шодмонова. — Уларга қизиқишларининг дастлабки аломатларини сезган ҳолда ҳар хил ўйинлар орқали таъсир қилиш мақсадга мувофиқ. Лекин бу ҳарф танитиш ёки ўқитиш дегани эмас, дастлабки элементларни ўргатишдир. Масалан, боланинг қулига ручка тутиш, расмларни кўрсатиш, расмдаги нарсаларга қизиқтириш орқали билим олишга иштиёқ ва қизиқишни шакллантириш мумкин.

Мутахассислар 3—5 ёшли болаларни турли тўғраракларга бериш фикрини маъқуллайдилар. Бунда бола меҳнатни, кўнгил билан ҳаракат қилишни ўрганади. Шу ёшдаги болаларни мусика, спорт тўғрисида қизиқтириш керак. Чунки, ўтилаётган мавзунини олдидан ўрганиб олган бўлади-да. Баъзи болаларда ўзини устун қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Демак, бу боланинг характери ва тарбияси, ўқишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Фарзандини билимлар оламига эртароқ олиб киришни истаган ота-оналар фикри ҳам бизни бефарқ қолдирмайди:

«Ўғлимизни барвақт мактабга бергандик. Олдинига у анча қийналди: баъзида дарсларда ухлаб қоларди, мактабга боргиси келмасди. Баъзида турмуш ўртоғим билан уни 1-синфга вақтида берганимизда бунчалик қийналмасмиди, деб ўйлаган пайтларимиз бўлган. Шукрки, мактабда ҳам, университетда ҳам ёш бўлишига қарамай, фанларни яхши ўзлаштирди. У биздан мамнун!»..»

«Ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани яхши экан. Ўғлим Санжарни ҳали руҳий жиҳатдан тайёр эмаслигига қара-

май, мактабга олиб бордим. Ушанда 6 ёшга ҳам тўлмаганди. Тезроқ ўқишни ўрганиб, олий ўқув юртиларига киришни хоҳлагандим. Энди билсам, фарзандимнинг имкониятини ҳисобга олман эканман. Негадир ўғлимнинг ўқишга иштиёқи кундан-кунга сўниб кетди. Дарслар унинг учун жуда қийин машғулотдек туюлиб қолди. Балки, 7 ёшда берганимда бошқача бўлармиди...»

«Қизимни 6 ёшида мактабга бергандим. Университетга биринчи йили киролмади. Пухта тайёрланиб, иккинчи йили талабалик бахтига эришди. У «йил ютқизмади». Чунки ўз тенгқурлари билан бир вақтда олий ўқув юртига кирди-да. Мактабда ўзидан бирикми ёш катталар билан ўқиганиданми, ёшга нисбатан катталардек фикрлашга ўрганган.»

Шу ўринда «Катта бўлишни хоҳламайман!» фильми эсимга тушиб кетди. Ундаги беш яшар болакай математик тенгламалардан тортиб Шекспир асарларигача истаган саволингизга жавоб бера олади. У жуда билимли бола. Ота-онаси унинг ҳар соҳани пухта эгаллашни истади, ўғлининг билимдонлиги билан фахрлангиси келди. Бола барибир бола эмасми, бир қуни ўзи учун қизиқарли олам сирларини билишдан чарчади. Йўқ, у чарчамади. Шунчаки болаларча шўхлик қилишни, подшолик давридан кетмасликни хоҳлади, холос.

Болани ёшлигидан билим олишга, китоб ўқишга қизиқтириш яхши, албатта. Уларнинг қизиқувчан табиятидан фойдаланиб, кўплаб фойдали билимларни бериш мумкин. Аммо болани ақлан толиқтириш, ўрганишга мажбурлаш ва узоқ мuddat ушлаб ўтириш мақсадга мувофиқ эмас. Хулоса шунки, болажонларга билим беришда уларнинг ёши, қабул қилиш имконияти ва қизиқликлари инobatта олган ҳолда, илм олишга меҳр ва иштиёқ уйғотайлик!

БИЛИМЛАР БЕЛЛАШУВИДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

унда мактаб психологининг ўрни қай даражада?

Айни кунларда «Билимлар беллашуви»нинг туман босқичи давом этмоқда. Мактабларда энг билимли деб топилган ўқувчилар туман босқичида иштирок этар экан, бу босқичда нафақат боланинг билими ва қобилияти синовдан ўтказилади, балки ўқув муассасасининг рейтингини ҳам аниқланади ва натижалар асосида таълим жараёнида йўл кўйилган камчиликларни тўлдириб чоралари кўрилади. Демак, «Билимлар беллашуви» мактаб жамоасининг ҳам меҳнатига баҳо берувчи жараён ҳисобланади. Шундай экан, бу беллашувда ўз ўқувчисининг фаол иштирок этишидан фан ўқитувчиси, мактаб ва синф раҳбари, мактаб психологидан бирдек манфаатдор, десак янглишмаймиз.

«Билимлар беллашуви»да муваффақият қозониш учун ўқувчининг чуқур билимга эга бўлиши билан бирга руҳий тайёргарлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда мактаб психологлари нима ларга эътибор қаратиши лозим, умуман, ўқувчининг ҳар бир синовга тайёргарлик кўришида мактаб раҳбари, фан ўқитувчилари, психолог ва ота-оналар ҳамкорлиги қандай бўлиши керак?

Ҳар бир мактабда ўтган 2010-2011 ўқув йилида бўлиб ўтган «Билимлар беллашуви» натижалари сарҳисоб қилиниб, ўқитувчи ва ўқувчи билимдаги камчиликлар, бўшлиқлар аниқланиб, таҳлил этилган. Ва ўқитувчилар ўқувчилари билан ўз фани бўйича тайёргарликни ёзги таътил пайтида қўшадан юборган.

Тўғри, улар боланинг фан бўйича билимларини мустаҳкамлар, лекин баъзи ҳолатларда ҳаяжонланиш, бегона одамлардан ийманши, берилган саволларга била туриб жавоб бера олмаслик, тортиниш натижасида ҳам ўқувчи ласт балл олиши мумкин. Мана шундай ҳолатларни бартараф этишда мактаб психологининг маҳорати, малакиси, таълим-тарбия ривожиди унинг тутган ўрни янада яққолроқ намоён бўлади.

— Ҳар бир бола бир олам, ҳар бир шахснинг ўзига хос сифатлари бор. Ёшни, ҳар бир инсоннинг ўзига яраша феъл-атвори, характери, қилиқлари ва ўзигагина тегишли бўлган хулқи бўлади. Қайсидир ўқувчида ижтимоий фанга қизиқиш юқори бўлса, баъзилари аниқ ёки табиий фанларни яхши ўзлаштиради, — дейди Тошкент шаҳридаги 165-мактаб психологиди Аҳдам Усмонов. — Яна бир тоифа ўқувчиларнинг ёзма нутқи яхши ривожланган бўлади. Улар тест са-

волларига жавоб бериши, иншо, баёни аълога ёзиши мумкин. Афсуски, оғзаки суҳбатда ўз фикрини тўлиқ ифода қила бера олмайди. Берилган саволларга жавобни билиб турса-да, ҳайрат аъзоларига айтиб беришда ҳаяжон босади. Ана шундай ўқувчилар билан психолог алоҳида шугулланиши, унинг нутқини ўстириши, бегоналар олдидаги тортиноқчилигини йўқотиш учун суҳбатлар олиб бориши керак.

Мен ўқувчиларни «Билимлар беллашуви» ва бошқа танловларга тайёрлашга мўлжалланган «Ўзингга ишон» мактаб номланган тест банкни тўзиб чиқдим. Бу тестларда боланинг ўзига бўлган ишончини ошириш учун саволлар берилган. Шунингдек, бошқалар олдида дадил ва бурро гапириши учун қилиши керак бўлган амаллар ўргатилади. Бир сўз билан айтганда, ўқувчи беллашувга руҳан тайёрланади. Унга голиб бўлиши шартлиги, ўқитувчиси, мактаб жамоаси ишончини оқлаши зарурлигини айтман. Баъзи ўқувчилар жуда ориятли бўлади. Улар учун ўз шаъни ва қадр-қиммати, мактаб обрўйи ҳар нарсадан устун ҳисобланади. Унда «албатта, голиб бўлишим шарт ва зарур, мактабимизнинг номини оқлашим керак», деган кучли истак бўлади. Бу истак эса ўз-ўзидан уни голиблик шохсупаси сари етаклайди.

Мактабимизда 1642 нафар ўқувчи таълим олади, уларнинг 33 нафари «Билимлар беллашуви»нинг туман босқичида қатнашмоқда.

— Нафақат билимлар беллашувига тайёргарлик, балки бошқа кўрик-танловларга тайёргарликда ҳам психологининг ўрни муҳим, — дейди Тошкент шаҳридаги 243-мактаб психологиди Феруза Зухурова. — Чунки йил давомида турли-туман кўрик-танловлар, кўргазмалар, фестиваллар ўтказилади. Бунда қатнашаётган болаларнинг барчаси қайсидир йўналишда ўз иқтидорини намоён эта оладиган бўлиши керак. Агар ўқувчи бу каби синовларга пухта тайёргарлик кўрса, келгусида катта синовлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди. Шу каби танловларда иштирок этган болада ўзига ва билимига ишонч пайдо бўлади. Кейинчалик олий ўқув юртига, ишга кираётган пайтда ҳам ундаги журъат йўқолмайди. Ўқувчини беллашув ва кўрик-танловларга руҳан тайёрлаш келажақда ҳам ўз мевасини беради.

Шарифа МАДРАХИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тадбир ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад иштирокчиларни юртимиз ва хорижий мамлакатлардаги замонавий ўқитиш методлари билан таништириш, ўзаро тажриба алмашиш, шу билан бирга, ёшларга қизиқтирган мутахассисликлари бўйича таълим муассасаларини танлашга кенг имконият яратиш, шунингдек, битирувчиларнинг ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишга кўмаклашишдир.

— «Таълим ва карьера» халқаро кўргазмасида Андижон машинасозлик институти вакиллари ҳам иштирок этмоқда, — дейди техника фанлари

хорижий ўқув юртлари вакиллари ҳам таассуроatlари катта.

— Биз авиакомпанияларга ёш мутахассис кадрлар тайёрлаймиз, — дейди Малайзиянинг «Inter-excel Advisory» ўқув маркази директори Илари Миранда. — Тўғриси, ушбу кўргазмада илк бор иштирок этиб турибмиз. Шу кунгача Осиё давлатларининг бир нечтаси билан ҳамкорлик ўрнатган эдик. Бугун кўргазмага ташриф буюрган ёшлар билан тўғридан-тўғри инглиз тилида мулоқотда бўлиб, улар бизнинг ўқув марказимизда бемаъл таълим олишлари мумкин эканлигига амин бўлдим. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекис-


Xalqaro ko'rgazma

Кўргазмада, шунингдек, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Урганч давлат университети, Тошкент автомобиль-йўллар, темир йўл муҳандислари, молия институти, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника институти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиали ва бошқа таълим муассасаларидан вакиллар қатнашди.

Ташкилотчилар берган маълумотларга қараганда тадбир-

«ТАЪЛИМ ВА КАРЬЕРА»

номзоди, доцент Холхўжа Собиров. — Тадбир жараёнида жуда кўплаб ёшлар биздаги таълим йўналишлари билан танишишди, ўқув жараёнига тааллуқли саволларига батафсил жавоб олишди. Коллеж битирувчилари институти мизда янги ташкил этилган «Автомобилсозлик ва тракторсозлик», «Ер усти транспорт тизимлари ва улардан фойдаланиш» ва «Электротехника ва электромеханика» йўналишларига қизиқиш билдиришди. Бундан ташқари, бошқа олий таълим муассасалари билан тажриба алмашиш, хорижий ўқув юртларидаги ўқитиш услублари билан танишишди. Бу, албатта, таълимнинг сифат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



тон билан қатор соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳар жиҳатдан фойдали бўлишига ишонаман.

— Бугунги тадбир асосан ёшлар учун бўлиб, жараёнда уларнинг ўз қизиқиш ва иқтидорларидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасасини танлашга кўмаклашишди, — дейди 1-Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Дилфуза Йўлдошева. — Бизнинг коллежимиздан битирувчи курс ўқувчилари ҳам иштирок этиб, нафақат таълимни давом эттириш билан боғлиқ, балки, иш жойлари, ишга жойлашиш бўйича ҳам батафсил маълумотлар оlishди.

— Бугун нафақат юртимиздаги, балки чет эллардаги таълим муассасалари тўғрисида ҳам батафсил маълумотлар олдим, тил ўрганиш курслари билан танишдим, — дейди М. Турсунхўжаева номидаги тиббиёт коллежи битирувчиси Гулчехра Ра-

ҳимова. — Бундай кўргазмаларнинг ташкил этилиши мен каби ёшларга ҳаётда ўз ўринларини топишга, қизиққан соҳаларининг етук мутахассиси бўлишларига замин яратди.

Кўргазманинг «Кўшимча таълим» бўлимида «Карьера», «Ифтихор келин» каби ўқув марказларининг касб-ҳунар ўргатувчи курсларидаги ишлари, маҳорати иштирокчилар кўз ўнгига намоий этилганлиги кўплаб тадбир қатнашчиларининг эътиборини тортди.

Дилфуза ТОШКЕНБОВА,
Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири
В. ГРАНКИН
олган суратлар.

ДОЛЗАРЬ ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази институтида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузаси моҳиятидан келиб чиққан ҳолда умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини ошириш ва янги авлод дарсликларини яратишнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.А.Маматов Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган масалалар ва таълим ходимлари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида таҳлилий фикр юритди. Давра суҳбати давомида «Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини миллий истиқлол гоёлари руҳида тарбиялашнинг муҳим масалалари ҳамда битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига камраб олишнинг долзарб масалалари», «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг самараси», «Умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини тақомиллаштириш ҳамда малака ошириш тизимини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида», «Умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган дарсликлар ва қўланмаларнинг келажагимиз бўлиши ёш авлодини билимли ва баркамол шахс қилиб тарбиялашдаги ўрни» мавзусидаги маърузалар қизиқиш билан тингланди. Мунозаралар жараёнида тингловчилар томонидан таълимни юксалтириш юзасидан асосли таклифлар ҳам ўртага ташланди.

Тадбир аввалида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А.А.Маматов Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгиланган масалалар ва таълим ходимлари олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида таҳлилий фикр юритди. Давра суҳбати давомида «Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларини миллий истиқлол гоёлари руҳида тарбиялашнинг муҳим масалалари ҳамда битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига камраб олишнинг долзарб масалалари», «Ўзбекистон Республикаси ҳукумати то-

Davra suhbat



2012-yil — Mustahkam oila yili

Farzand oilaning kuvonchi. Шу билан бирга у юртнинг келажиги, жамиятнинг асосий таянчи ҳамдир. Ёш авлоднинг баркамол униб-ўсиб мустақил ҳаётга соғлом руҳият билан кириб келиши, маълум бир соҳа ёки касб-хунар эгаси сифатида элу юртга нафи тегадиган шахс бўлиб шаклланиши учун ота-онанинг, бутун жамиятнинг қанча меҳнати сингшини оддий ҳисоб-китоб билан аниқлаш мушкул. Бунда oilанинг, таълим муассасасининг, атрофидаги инсонларнинг моддий-маънавий кўмаги, таъсири бекиёс. Аксинча, биргина эътиборсизлик туйфайли айрим ҳолларда бола тарбиясида салбий ўзгаришлар бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу маънода, фарзандларимиз таълим-тарбиясида муаллим ота-онанинг, маҳалла-қўйнинг, умуман, кенг жамоатчиликнинг тутган ўрни, oila-мактаб-маҳалла ҳамкорлигининг аҳамияти жуда муҳимдир.

Айни пайтда юртимиз таълим масканларида «Оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги» Концепцияси асосида ушбу йўналишда зарур чора-тадбирлар ичилик билан амалга оширилмоқда. Барча ўқув муассасаларида республика Хотин-қизлар кўмитаси, Оқсоқоллар кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан биргаликда таълим-педагогик ишларни мувофиқлаштирувчи «Оила-мактаб-маҳалла» ҳамкорлик марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу марказ-

фиддин Саралидзенинг саъй-ҳаракатлари билан ўқувчилар футбол, стол тенниси, шахмат-шашка ҳамда волейбол бўйича ўтказилган республика мусобақаларида совриндор бўлишди.

Ўқув масканида «Ёш кимёгарлар», «Рус тилини ўзлаштирамиз», «Ибратли қизлар», «График тасвир», «Спорт — соғлиқ гарови» номли тўғарақлар мавжуд. Асосийси, маҳалла фаоллари томонидан тарбияси оғир ёшлар белгилаб бориладиган рўйхатда 226-мактаб ўқувчи-

ҲАМКОРЛИК НАТИЖАЛАРИ

лар ташаббуси ва бевосита таълим олаётган биргина ўтган йили 221 та ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди, тарбияси оғир ва бўш ўзлаштирувчи 2623 нафар ўқувчининг 973 нафари фан тўғарақларига, 672 нафари ўз қизиқиши бўйича турли касб-хунар машғулотларига, 978 нафари эса спорт секцияларига жалб қилинган. Қолаверса, таълим масканларида ўтказилган бир ярим мингдан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар ёшларни «оммавий маданият» таҳдидларидан ҳимоя қилиш, уларни миллий қадриятларимиз асосида баркамол воляга етказишдек эзгу мақсад рўйбига хизмат қилаётир.

Ҳамжихатлик ҳикмати

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 226-мактабга кириб борар эканмиз, бу ердаги озодлик, саранжомлик эътиборимизни тортиди. Шундоққина кираверишда «Ораста қизлар», «Спорт — тинчлик элчиси», «Бунёдкор ёшлар», «ОИТС ва гиёҳвандликка қаршимиз» деб номланган паннолар ҳамда деворий газеталарга кўзимиз тушди. Мактаб биносининг биринчи қаватида эса кўл меҳнати билан ишланган миллий кўйимчолар, ҳайкалчалар ва турли напорморларни кўрасиз.

Ўқувчиларимизнинг санъат ва хунарга қизиқиши баланд, — дейди мактаб директори Наби Ниёзов. — Уларнинг ҳар бири иқтидорига қараб амалий машғулотлар ва тўғарақларга жалб қилинган. Қолаверса, болалар қатъий тартиб-интизомга риоя қилган ҳолда дарсларга қатнайдилар. Бунда ўқув масканимизда қошидаги Оила-мактаб-маҳалла кенгаши фаолларининг хизмати катта.

Таълим даргоҳида 972 нафар ўқувчи таъсил олмақда. Бу ерда ёшларнинг замонавий технологиялар ёрдамида чқур билим эгаллашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ташқари, мактабда ўғил-қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун ҳам барча зарур қулайликлар мавжуд. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Сай-

ларининг исм-шарифини учратмадик. Дарс қолдирган болалар тарбияси эса ота-оналар ва фаол оқсоқоллар иштирокидаги йиғинларда муҳокама қилинади. Табиийки, бундай болалар қизиқишларига қараб махсус қўшимча дарсларга қатъий жалб этилади.

— Боламнинг дарсларни ўзлаштириши анча яхшиллангани сезилди, — дейди 9-синфда ўқийтган Саодатнинг онаси. — Ўқув йили бошида ўқитувчилари унинг фанларни ўзлаштириши сусайиб бораётганини айтишган эди. Устозларининг қаттиққўллиги ва эътибори сабаб у тасвирий санъат тўғарагига мунтазам қатнапти. Ҳозир у дизайн бўлиш орузида. Яқинда маҳалла фаоллари ҳузурдаги ота-оналар йиғинида қизимнинг хулқ-атвори ҳақида ижобий гапларни эшитдим. Бунинг учун фарзандим тарбиясига бефарқ бўлмай, уни тўғри йўлга солишда жонқурлик қилган ўқитувчиларга раҳмат айтаман.

— Мактабимизда ўтказиш туриладиган байрам тадбирлари ва давра суҳбатларида кўпинча маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳам иштирок этишади, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилноза Маматова. — Чунки кўпни кўрган инсонларнинг ибратли ўғитлари, кўрсатмаларини ёшларимиз диққат тинглаб, хулоса чиқариши аниқ. Авиасозлар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбархон Муратованинг таъкидлашича, ҳудуддаги қирқ бешта кўп қаватли уйларда истикомат қилувчи ёшларнинг ижтимоий ҳаёти, oilавий турмуш тарзи, касб-хунарга қизиқиши масаласига эътибор билан ёндашилади. Айни пайтда маҳаллада холаси қарамоғидаги 3-синф ўқувчиси Дилшод Каримов, ушбу мактабда таъсил олаётган ака-ука Кимсановларнинг моддий таъминоти ва махсус қўшимча хунар ўрганишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борадаги ишларни амалга оширишда маҳалла посбонларининг ҳам хиссаси бор. Профилактика-назо-

рат ходими Фахриддин Тўқмирзаев маҳалла ва мактаб ҳамкорлигида уюштирилмаган қатор йиғинлар, суҳбатларда иштирок этиб, ОИТС, гиёҳвандликнинг ачинарли оқибати ҳақида аниқ мисолларга таянган ҳолда ёшларга тушунча беради.

Оталар масъулияти

Бирмуноа муддат аввал Акмал (исми ўзгартирилган) исми ўқувчининг феъл-атворида салбий ўзгаришлар сезилди. Акмал дарс пайтларида хаёлга чўмиб қолар, уй вазибаларини бажармай келарди. Шунда устозлар маҳалла раиси ва фаоллари билан ўзаро маслаҳатлашиб, бола яшаётган oilадаги турмуш шароити ҳамда ўқувчининг дарс тайёрлашига ҳалақит қилаётган сабабларга аниқлик киритишди. Маълум бўлишича, боланинг онаси oilасини ташлаб кетиб қолган, ота эса ичкиликка ружу қўйган экан. Шу туйфайли эътибордан четда қолган Акмал Тўқшунликка тўшиб, ҳеч кимга кўшилмай қўйган

шуғулланган ҳолда ота-оналар билан бевосита ҳамкорлиқни йўлга қўйган. Эътиборлиси, бунда мактаб маъмурияти томонидан ҳар чорак якунида эълон қилинадиган «Энг фаол ота», «Намунали ота-она», «Энг одобли бола ким?» сингари номинациялар бўйича танловнинг ташкил этилгани кўл келмоқда. Масалан, яқинда бўлиб ўтган тадбирда Моҳира Назарова(8-синф), Сардор Холмуҳаммедов(9-синф), Нилуфар Ҳамидова(9-синф), Шаҳноза Нурмуҳаммедова(9-синф)нинг оталари фарзанди тарбияси билан шуғулланишда бошқаларга намуна бўлган oila бошлиғи сифатида эътироф этилдилар.

— Мактабда «Масофадан туриб ўқитиш» усулининг жорий қилингани имконияти чекланган болаларни ўқитишда бекиёс аҳамият касб этилмоқда, — дейди мактаб методик бирашмаси раҳбари Ў.Худоёров. — Бу уларнинг ўз уйида, oilаси даврасида машғулларни ўзлаштириши, синфдошлари билан мулоқот қилишига имкон яратмоқда.

Бирлашган ўзар...

«Оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлиги» Концепциясига асосан тузилган марказларда фаолият олиб бораётган масъуллар Юртбошимизнинг «Ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳалладан олади», деган фикрларига таяниб иш кўрадилар. Шунинг учун ҳам айрим муаммолар, можаролар аввал жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинида ҳал этилиши аъёнага айланган. Жумладан, Зангиота туманига қарашли «Чоштепа» ва «Иқбол» (78-мактаб), Ангрэн шаҳридаги «Наврўз», «Чотқол», «Гўзал» ва «Мустақиллик» (20-мактаб), Бўстонлик туманидаги «Дахана» (1-мактаб) маҳаллаларида ёшларнинг маънавийли, фаҳм-фаросатли ва зукко бўлиб воёга етишлари кўзланган учрашувлар, ижодий чечалар тез-тез ташкил этилади. Тадбирларда нурунийлар, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари вакилларининг қатнашиши уларнинг ҳаётий воқеаликлар билан боғлиқ ҳолда таъсирчан ўтишини таъминламоқда.

— Вилотиямиздаги маҳаллаларда қарийб 900 нафар маслаҳатчи фаолият юритиб, улар бевосита фарзандларимизнинг диний-маърифий, маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор беришади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилоти бўлими бош мутахассиси З.Жўраева. — Маҳаллалар ҳолида тузилган ўқувчилар билан ишлаш гуруҳлари ҳафталик дастур бўйича фаолият олиб боришади. Турли тадбирлар асосида йигит-қизларимизнинг мард ва жасур, иродали, ор-номусли ва касб-хунарни бўлиб улғайиши борасида мустақкам ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Халқимизда азaldan бир фарзанд тарбияли, яхши хулқли ва касб-корли бўлиши учун бутун бир маҳалла масъул ҳисобланиб келинган. Шу маънода бугун ҳам Ватан ичра кичик бир Ватан бўлган oila, маҳаллада камол топаётган навқирон авлод вакилларининг ҳар жабҳада фаол, ташаббускор бўлишлари, келажак сари dadil интилишлари учун ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатлик асосида хайрли саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётир.

«CHARXPALAK» USULIDA O'TILGAN DARS

unda o'quvchilar faol ishtirokchiga aylanishadi

Matnlarda berilgan so'zlarni morfologik va sintaktik tahlil qilishda o'quvchilar ba'zan juz'iy xatoliklarga yo'l qo'yishadi. Bunday tushunmovchiliklar oldini olishning samarali va oson yo'lini topish unchalik mushkul ish emas. Shu ma'noda O'zMU qoshidagi Zangiota akademik litseyi o'zbek tili va adabiyoti kafedrasini mudiri Gulnoza Turdiyeva o'qitishning noan'anaviy usullaridan birini qo'llab o'tgan bir soatlik ochiq o'quv mashg'uloti ham Siz aziz mushtariylarga ma'qul bo'ladi, degan umiddamiz.

Dars mavzusi: So'z yasash jarayonida yuzaga keladigan o'zgarishlar.

Darsning maqsadi: Ilmiy maqsad: o'quvchilarning ongida o'zbek tilida so'z yasash va so'z yasash jarayonida ro'y beradigan o'zgarishlar yuzasidan bilim hamda malaka hosil qilish;

didaktik maqsad: o'quvchilarni ezigulik, yaxshiliklarga hamisha shaylik ruhida tarbiyalash;

ribojlantiruvchi maqsad: yangi pedagogik texnologiya usullaridan foydalanib, o'quvchilarni qo'shimchalarni to'g'ri qo'llay bilishga, matn tuzishda uslubiy xatolarga yo'l qo'ymaslikka o'rgatish.

Dars usuli: «Charxpalak» usulida kichik guruhlarda ishlash.

Dars jihozi: mavzuga tegishli adabiyotlar, darslik, tarqatma materiallar, slaydlarda ishlash, texnik vositalar.

Dars shiori: "Ilm — dunyoning izzati, insonlarning madori-hayoti, rahbari-najotidir" (A.Avloniy).


Darsning borishi: O'quvchilar charxpalak yo'nalishida joylashtirilgan partalarga 5 guruhga bo'linib o'tiradilar. Ular o'zlariga nom tanlashlari uchun

yondashiladi. Guruhlarga Muhammad Yusuf she'ri, S.Nazarxon ijrosidagi "Vatanim" qo'shig'idan parcha eshittirilib, she'r muallifi va ijrochisi haqida suhbatlashiladi. Shoir hamda she'r mazmuniga doir vatan manzaralari aks etgan slaydlar ko'rsatilib, o'quvchilarning vatanparvarlik tuyg'ulari orttiriladi. Har bir guruhga bittadan she'r bandi tarqatilib, matndagi qo'shimchalarni aniqlash so'raladi. Ish jarayonida qo'shiqning davomi eshittiriladi. Guruhlar ishi baholanadi, doskadagi jadvalga qayd etiladi. Auditoriyadagi barcha o'quvchilarning o'tilgan dars yuzasidan bilim va ko'nikma hosil qilganliklari aniqlangach, yangi "So'z yasash jarayonida yuzaga keladigan o'zgarishlar" mavzusi slaydlar orqali o'rgatiladi.

Guruhlarga o'yin, ong, yig'i, sariq, o'qi, so'ra so'zlari yozilgan varaqlardan birini tanlab, berilgan topshiriqlarni klaster usulida ketma-ket to'ldirib borish vazifasi topshiriladi.

1-topshiriq: "Qo'shimchalar izlaymiz". Bunda o'quvchilar o'zlariga tushgan

ettirishlariga yo'l qo'ymaslik va diqqatlarini to'la javoblarni eshittishga yo'naltirish bo'lsa, ikkinchidan, bolalarning raqib guruhlarga nisbatan tuyg'ularini do'stona xayrixohlikka aylantirishdir, har guruhdan bittadan vakil guruh ishini himoya qiladi. Masalan: "Topqirlar" o'yin so'ziga -im, -ing, -ni, -lar, -da, -a,



-qi... qo'shimchalarini qo'sha olishadi. 2-topshiriq "Yana imkoniyat" deb nomlanadi. Bunda charxpalagimiz ishga tushadi, ya'ni guruhlarga charxpalak aylantirish yo'nalishida ish yuzasidan bilim va ko'nikma hosil qilganliklari aniqlangach, yangi "So'z yasash jarayonida yuzaga keladigan o'zgarishlar" mavzusi slaydlar orqali o'rgatiladi.

Guruhlarga o'yin, ong, yig'i, sariq, o'qi, so'ra so'zlari yozilgan varaqlardan birini tanlab, berilgan topshiriqlarni klaster usulida ketma-ket to'ldirib borish vazifasi topshiriladi.

1-topshiriq: "Qo'shimchalar izlaymiz". Bunda o'quvchilar o'zlariga tushgan

Charxpalak aylanib, guruhlarga 3-topshiriq "Qo'shimchalarni turlaymiz" beriladi. O'quvchilar qo'shimchalar to'g'ri qo'llay bilishga, matn tuzishda uslubiy xatolarga yo'l qo'ymaslikka o'rgatish.

Charxpalak usulida o'tilgan darsda 5 guruhda 6 nafardan jami 30 o'quvchi qatnashadigan bo'lsa, barchasi topshiriqlardan birining mas'uliga aylanadi. Chunki, guruhlardan talabga ko'ra, har bir topshiriq javobini alohida o'quvchi himoyalashi shartligi, yo'qsa, jamoa ballari kamaytirilishi uqtiladi. Natijada o'quvchilar guruhdagi bilimdonlargagina ishonib qolmay, hamma imkon qadar ishtirokchiga aylanadi. Maqsadimiz ham asli shu.

Gulnoza TURDIYEVA, O'zMU qoshidagi Zangiota akademik litseyi o'zbek tili va adabiyoti kafedrasini mudiri

Sinab ko'ring

bajarilgan ishlar orasidan o'yna so'zida tovush tushish (o'yin+a=o'yna), o'ynoqi (o'yin+o'ynoqi) hodisalarini aniqlashadi. Berilgan 0,5 daqiqa vaqt tugagach, ishlar baholanadi. Charxpalak parraklari yana o'rindan ko'chadi.

5-topshiriq "Shunday so'zlar topamiz" deb nomlanadi. Bunda guruhlarga o'zlariga kelgan ishlaridagi so'zlar kabi tovush hodisalarini bor uchtdan kam bo'lmagan misollar topishadi. Masalan: "Ziyokorlar" guruhi o'yin, o'ynoqi so'zlaridagi tovush o'zgarishlariga xos qiyna (qiyn+a), yig'la (yig'i+la), sayroqi (sayra+qi), yig'loqi (yig'i+la+qi) singari.

Charxpalak yana bir bor aylanib, dastlabki ishlar o'z egalarini topadi. Guruhlarga so'ngi bosqichda 2 daqiqa davomida o'rtqoqlar topgan so'zlarga mos adabiy matn yaratishadi. Masalan, "Topqirlar" o'yna, o'ynoqi, qiyna, qiynoqi, sayroqi, yig'loq, yig'loqi so'zlari vositasida shunday matn yaratishadi. "Bahorda, ayni Navro'z kunlari milliy o'yinlarni o'ynash an'anaga aylanmoqda. Biz ham shunday bir o'yin o'yab topdik. Bolalarni "O'ynoqilar", "Yig'loqilar" va "Sayroqilar" jamoalariga ajratdik. Ishtirokchilar turli hayvon, parranda, bolalar obrazlariga kirib, ularning qiliqlari, ovozlari o'xshatishga urinishdi va hammani kuldirishga erishishdi. Qiyinligi bo'lsa-da, bulbuldek sayrashni yangi ma'noli so'zlar yasalgani bois, ularning so'z yasovchi; o'yinim, o'yini, o'yinda, o'yiningiz so'zlari egallik va kelishik qo'shimchalari bilan turlanayotganligi sabab shakl yasovchi qo'shimchalarning sintaktik turiga, o'yinlar so'zidagi qo'shimchani esa shakl yasovchi qo'shimchalarning lug'aviy turiga kiritishadi. Guruh a'zolaridan biri ishini himoya qiladi va bu o'qituvchi tomonidan baholanadi.

Charxpalak yana qo'zg'aladi. 4-"O'zgarishlarni aniqlay olasizmi?" topshiriq'ida guruhlarga so'zlar orasidan qo'shimcha qo'shilganda tovush o'zgarishlari yuzaga kelganini aniqlashadi. "Tahlilshunoslar" guruhi o'yin so'zidagi

1. "Yetti mo'jizali 7x7". Ushbu usuldan fanlararo bog'liqlikda foydalanish mumkin. Savol va javoblarni qanday tartibda va qay shaklda qo'llash o'qituvchining tanloviga bog'liq. Biz esa dunyo mo'jizalarini quyidagi ko'rinishda (matematik bellashuvlar uchun) taqdim etamiz:

1-o'quvchi: Dunyo yetti mo'jizasi: (yetti mo'jiza rasmlari ko'rsatiladi).

2-o'quvchi: Moddaning yetti holati.

3-o'quvchi: Musiqaning yetti notasi (musiqiy tarzda aytiladi): Do-re-mi-fa-sol-ya-si.


4-o'quvchi: Insonning yetti avlodlari.

5-o'quvchi: Yetti xazina (rasm ko'rsatiladi va izoh beriladi).

6-o'quvchi: Hafta kuglari (aytiladi).

7-o'quvchi: Kamalakning 7 rangi ko'rsatiladi).

II. KROSSVORD
1. Muntazam to'rtburchaklardan tuzilgan fazoviy shakl.
2. Aylana elementi.
3. «Matematika» terminini fanga kiritgan olim.
4. Uchburchak, kvadrat, doira perimetriari teng bo'lsa, qaysi birining yuzi katta?




5. Buyuk matematik o'quvchi yoki guruh vakili vatandoshimiz.

6. "Olov shaklidagi jism" ma'nosini bildiruvchi geometrik jism.
7. Qadimiy yer o'lchovi.
Agar 7 savolga to'g'ri javob topsangiz, 1-ustundan geometrik shaklning nomini bilib olasiz.

III. "Misollarda yashiringan ramzlar:
Doskaga (yoki proyektor orqali ko'rsatiladi) javobi Davlat ramzlari qabul qilingan kunlarni va muqaddas sanalarni eslatuvchi misollar yoziladi. O'quvchilardan so'raladi: Aziz bolajonlar, bu raqamlar (sonlar) nimalar haqida gapirmoqchi?
M: 1. 2·3+4·3= (18-noyabr — Davlat bayrog'i qabul qilingan kun).
2. 100:25+4= (8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kun).
3. (16+2) : 9 = (2-iyul — Davlat gerbi qabul qilingan kun).
4. (13+17) : 2-3= (12 soni —

13gacha bo'lgan sonlarni bo'sh doirachalarga shunday joylashtirish, oltiburchakning istalgan diagonal, balandligi yoki istalgan tomonidan uchta sonning yig'indisi 21 bo'lsin
3-boshqotirma. 1 dan 16gacha bo'lgan sonlarni doirachalarga shunday joylashtirish, kvadratlarning har bir tomonidagi 4ta sonning yig'indisi hamda kvadratlarning burchaklaridagi 4ta sonning yig'indisi 34 ga teng bo'lsin.




IV. "Nom aytish" o'yini
Bunda o'qituvchi tomonidan savollari 7 qatorda joylashtirilgan (7ta savol) jadval o'quvchilar e'tiboriga havola qilinadi. Bo'sh ustunga ko'rsatilgan sonlar to'plamlari nomini to'g'ri yozgan o'quvchi yoki guruh vakili rag'bat oladi.

№	Sonlar qatori	Nomlari
1	11, 100, 2, 80, 125, 33, 46	
2	-6, -10, -8, -1, -3, -25, -36	
3	... , 5/8, 7/13, 18/21, 6/14, 5/9, 12/17	
4	15/11, 28/27, 41/31, 9/8, 3/3,	
5	1/3, 5/7, 16/3, 2/5	
6	25/100, 0,5, 8/10, 3/100, 0,16	
7	3,(19), 0,(3), 6,(15), 0,(7)	

V. Qiziqarli boshqotirmalar.

1-boshqotirma. 1 dan 20 gacha bo'lgan sonlarni har bir doiraga bittadan shunday joylashtirish, har bir qatordagi 4ta son va 21ning yig'indisi 63ni hosil qilsin.



2-boshqotirma. 1 dan 20 gacha bo'lgan sonlarni har bir doiraga bittadan shunday joylashtirish, har bir qatordagi 4ta son va 21ning yig'indisi 63ni hosil qilsin.




3-boshqotirma. 1 dan 20 gacha bo'lgan sonlarni har bir doiraga bittadan shunday joylashtirish, har bir qatordagi 4ta son va 21ning yig'indisi 63ni hosil qilsin.

4-boshqotirma. Quyidagi misolda kvadrat, doira va uchburchaklarni raqamlar bilan ifoda qilib, uning yechimini toping.


$$1). \begin{matrix} 270 \cdot 79 \\ + 270 \cdot 7 \\ \hline 306216 \end{matrix}$$

Fevral — matematika va informatika fanlari oyligi

Fan oyligi tadbirlari o'tkaziladigan zalga (kattalashtirilgan shaklda) osib qo'yiladigan qiziqarli boshqotirmalar.




1-boshqotirma. 1 dan 20 gacha bo'lgan sonlarni har bir doiraga bittadan shunday joylashtirish, har bir qatordagi 4ta son va 21ning yig'indisi 63ni hosil qilsin.



3-boshqotirma. 1 dan 20 gacha bo'lgan sonlarni har bir doiraga bittadan shunday joylashtirish, har bir qatordagi 4ta son va 21ning yig'indisi 63ni hosil qilsin.


VI. «Aqliy hujum» usuli. «Aqliy hujum» biror muammoni yechishda guruh qatnash-



4-boshqotirma. Quyidagi misolda kvadrat, doira va uchburchaklarni raqamlar bilan ifoda qilib, uning yechimini toping.

$$1). \begin{matrix} 270 \cdot 79 \\ + 270 \cdot 7 \\ \hline 306216 \end{matrix}$$

5-boshqotirma. 1,2,3,4,5,6,7,8,9 sonlarini kvadrat shaklida shunday joylashtirish, xohlagan tomondan hisoblangiz 15 chiqishi kerak.



VI. «Aqliy hujum» usuli. «Aqliy hujum» biror muammoni yechishda guruh qatnash-

chilari tomonidan bildirilgan erkin fikr va mulohazalarni to'plab, ular orqali ma'alum bir yechimga kelinadigan samarali usuldir. U to'g'ri va ijodiy qo'llanilganda shaxsni erkin, ijodiy va nostandart fikrlashga o'rgatadi.

«Aqliy hujum» — bitta muammo! — Har bir «aqliy hujum» faqatgina bitta muammoni hal qilishga qaratilgan bo'lishi kerak.

Masalan, aqliy hujum uchun o'quvchilarning yosh xususiyatlari va aqliy faoliyatlari darajasiga qarab, quyidagicha masalalarni tanlash mumkin:

1. Beshla taqsimchada jami 100 dona yong'oq bor. Birinchi va ikkinchisida 52ta, ikkinchi va uchinchisida 43ta, uchinchi va to'rtinchisida 34ta, to'rtinchi va beshinchisida esa 30ta. Har bir taqsimchada nechtdan yong'oq bor?


2. Dadam mendan 30ta tuxumni toq sondan, toq kunda yeb tugatishimni talab qildilar. Men bu ishni uddalay olamanmi?

3. Faqat beshta ikki va qo'shish belgisi yordamida 28 ni hisob qiling.

VII. She'riy topishmoqlar.

1. Ildizi bor o'smaydi, Ko'plar uni izlaydi. Bilimi yo'q bilmaydi, Nomi uning nimaydi? (tenglama).

2. Shakli har xil asil teng Tatbiqi ham juda keng. Tengligi serxosiyat. Nomi uning ... (ayniyat).



1-chizma turli rebular tarqatiladi. O'quvchilar o'tilgan dars, ya'ni "Qo'shimchalarning turlari" mavzusiga mos nomlarni aniqlashadi va ulardagi qo'shimchalarni izohlashadi (top-qir, tadqiqot-chi, zukolar, ziyo-kor, tahlil-shunos) hamda shu bilan guruhlarning ketma-ket joylashuvi tartibiga, nomga va dastlabki bahoga ega bo'ladi.

O'tgan darsni mustahkamlashda ham noan'anaviy so'zga mos keladigan qo'shimchani 1 daqiqada davomida qo'shib chiqadilar. Vaqt tugashi signali berilgach, (o'quvchilardan ikki qo'lini kaftlarini ochgan holda ko'tarib, xayrlashganday silkitib, yuzlarida tabassum-la xayrixohlik bilan boshqa jamoalarni qo'llab-quvvatlashlari so'raladi. Bundan ko'zda tutilgan didaktik maqsad, jamoalarning belgilangan vaqt tugagandan keyin ham ishlarini davom



chilar ijrosida ifodalari tarzda she'rlar aytiladi. Suratlarida ochiq darsdan lavhalalar aks etgan. B.RIZOKULOV olgan suratlar.

1-Тошкент педагогика коллежида анча йиллардан буён «Илғор тажриба мактаби» фаолият олиб боради. Унинг иши жамоатчилик асосида ташкил этилган бўлиб, тингловчиси ҳам, маърузачиси ҳам шу коллежнинг ўзидан. Тингловчилар ҳар ойда илғор педагогларнинг таълим жараёни учун муҳим бўлган турли мавзудаги маърузалари билан танишади, уларнинг дарсларида иштирок этиб, тажрибаларини ўрганади, олган билимларини амалий машғулотларда синовдан ўтказади.

— Сафимизнинг олий таълимни эндигина битирган билимли, ғайратли ёш мутахассислар билан тўлдириб борилиши табиий жараён албатта, — деди «Илғор тажриба мактаби» раҳбари М.Жўраева. — Янги келган ходим эса иш жараёнида турли муаммо ва қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Айниқса, бу айрим ёш мутахассисларда яққол кўзга ташланади. Яъни, улар олган билимларини аудиторияда қўллаб олмай мушкул аҳволда қолишади. Бу эса ёш ходим психологиясига таъсир қилиб, ўзига ишончсизлик юзага келиши, оқибатда таълим сифати пасайиши мумкин. Мақсад — фарзандларимизга пухта касб-хунар сирларини ўргатиш, уларни ўз ихтисослиги бўйича етарли кўникмага эга мутахассис қилиб тарбиялаш экан, таълим-тарбия жараёнидаги бундай ҳолатларга барҳам бериш даркор. Айни шу эҳтиёждан келиб чиқиб, коллежимизда «Илғор тажриба мактаби» ташкил этилди. Шу кунгача ушбу мактаб сафимизга қўшилаётган янги кадрларнинг педагогик салоҳиятини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, иштирокчиларга давлат таълим стандартлари асосида маъруза матнлари ёзиш, кўргазмалар тайёрлашда кўмаклашиш, дарс таҳлил қилишни, илғор тажриба ва янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланишни ўргатиш, уларни дарс жараёнига татбиқ этиш усулларини кўрсатиш кабилар мактабнинг асосий ишлари саналади.

Тингловчилар, яъни ёш мутахассислар уч йил давомида мунтазам мактаб машғулотида қатнашиб боради. Уларнинг фаолияти масъул кафедралар томонидан ҳар жиҳатдан ўрганилиб, кимда ўсиш кузатилиши «Илғор тажриба мактаби»нинг битирувчиси айланади. Курсни муваффақиятли тамомлаган ҳамда у ерда олган билим ва малакаларини амалиётга кенг қўллаб, таълим жараёнига ижодий ёндаша олган ўқитувчилар устоз мактомига эга бўлади.

Машғулот режалари ҳар ўқув йили учун алоҳида тузилади. Масалан, 2010-2011 ўқув йилида «Ёш гуруҳ раҳбарлари учун ўқувчилар билан ишлашда муаммоли вазиятларни ҳал этиш борасида тавсиялар», «Ўғил болалар гуруҳида ишлашнинг ўзига хос томонлари», «Ўқувчиларни дарс жараёнида фаоллаштириш ва уларнинг диққатини жалб этиш йўллари», «Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини ривожлантиришда интерфаол усулларнинг аҳамияти» каби мавзулар бўйича таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг бевосита ўқувчи билан ишлашига кенгроқ ўрин берилган. Жорий ўқув йилида эса «Ўқитувчининг нутқи ва унга қўйилган талаблар», «Ўқув журналини юритиш, ўқувчилар билимини баҳолаш тизими ва меъёрлари», «Дарсларни педагогик технологиялар ва мультимедиа воситалари асосида ташкил этиш йўллари», «Мавзулар асосида маъруза матнлари, дарсинг технологик харита ва ишланмасини тайёрлаш методикаси», «Дарсларни режалаштириш, дарсга қўйилган талаблар» каби мавзулар асосида педагогнинг дарс сифатини оширишдаги фаолиятини тўлдириб, бойитиб боришга қаратилаётгани эътиборлидир.

— «Илғор тажриба мактаби» тингловчиларининг дарслари ўқитувчилар томонидан ўқув йили давомида кузатилиб, таҳлил қилиб борилади, — деди М.Жўраева. — Таҳлиллар натижасида кейинги ўқув йилида қамраб олиниши керак бўлган мавзулар маълум бўлади. Шунингдек, тингловчи-ўқитувчиларнинг фикри ҳам ўрганилади. Шундан сўнггина навбатдаги йил учун режа ишлаб чиқилади.

Она тили ва адабиёт ўқитувчиси Камола

Тиловбердиева (иш фаолияти беш йил тўлган) «Илғор тажриба мактаби»нинг собиқ тингловчиларидан. Ишга янги келган пайтлари Камола педагогика амалиёти билан боғлиқ айрим масалаларда қийинчиликка дуч келди.

— Фаолиятимда дуч келган дастлабки муаммолардан бири — бу дарс методикаси борасида эди, — деди К.Тиловбердиева. — Мисол сифатида айтганим бўлсам, адабиёт дарсида бирор шир ёки ёзувчининг ҳаёти ва ижодига бағишланган мавзуда ўқув-

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ўқитувчи ва мураббийларнинг ноанъанавий дарс ўтиши, ўзаро фикр алмашиш ҳамда изланишлар олиб боришларига имкон яратяпти

чиларга жуда кўп материалларни тақдим этиб, уларни ўзим билганча турли педагогик технологиялардан фойдаланиб тушуштиришга ҳаракат қилардим. Бироқ мавзу юзасидан тест олганимда ўқувчилар кўп нарсани тушунмаган ёки маълумотлар жуда тез ёдидан кўтарилаган бўларди. Ҳаракатларим самарасиз кетаётганигидан ўзимга бўлган ишончим сусайиб борарди. Шунда илғор тажрибали педагогларимизнинг мактаб машғулотида ҳамда дарсимиз таҳлилларида берган маслаҳатлари ёрдамида йўл қўяётган камчиликларимни англадим. Дарс жараёнида ўқувчи мавзу бўйича маълумотларни гапириб бериш эмас, унинг аҳамиятини ҳаётга боғлаб тушутириш кераклигини ўргандим.

Камоланинг таъкидлашича, «Илғор тажриба мактаби»нинг яна бир ўзига хос жиҳати машғулот давомида муаммоси бир бўлган тингловчиларнинг бир жойга жам бўлишидир. Чунки бирор масала юзасидан муҳокама ва мунозара жараёнида мавзунинг турли қирралари кенгроқ ўрганилади. Шунингдек, ёш ўқитувчилар бўш вақтларида тажрибали педагогларнинг дарсини кузатади. Шунда у ўзи эътибор қилмаётган жиҳатларни илғаб олади.

Дилбар Эшжоновна ҳам 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида ўз фаолиятини ушбу коллежда давом эттирмоқда. У умумтаълим мактабида узоқ йиллар давомида ишлаган бўлса-да, «Илғор тажриба мактабининг» тингловчиси.

— Тингловчи сифатида ўзим учун жуда кўп нарсаларни кашф қилмоқдаман, — деди Д.Эшжоновна. — Айниқса, таълим-тарбия жараёнида балоғат ёшидаги ўқувчиларга муносабатда янада масъулият билан ёндашиш муҳим экан. Масалан, биринчи босқичда ўқитиб бир ўқувчим дарсга тайёрланмай келарди. Сабабини сўрасам, рус тили фанини ўрганишга қизиқиши йўқлигини айтиб қолди. Олдин мактабда ишлаган ўқитувчи учун эса бу қутилмаган ҳолат. Тажрибали ўқитувчиларнинг маслаҳатлари ёрдамида у билан яқна тартибда ишлашга тўғри келди. Ярим йил давомида ушбу ўқувчим аълочилар қаторидан жой олди.

Sinab ko'ring

Дарс жараёнида ўқувчиларнинг мавзуни теран англашида педагогнинг нутқи, талаффузи ҳам катта аҳамиятга эга. Мавзу бўйича материаллар дарснинг мазмуни бўлса, ўқитувчи нутқи унинг шаклидир. Мазмунсиз шакл қуруқ, пуч, асоссиз, шаклсиз мазмун эса таъсирсиз бўлади. Шунинг учун ўқитувчи нафақат ўз фанини чуқур билиши, балки нутқ маданиятини ҳам эгаллаши лозим. Бунинг учун у тил қоңдаларини пухта ўзлаштириши, доимий равишда илмий-бадиий адабиётлар ўқиб бориши даркор. Мактабнинг жорий ўқув йил бошида бўлиб ўтган «Ўқитувчининг нутқи ва унга қўйилган талаблар» мавзусидаги машғулотида бу жиҳатлар атрофлича таҳлил қилинди.

Маъруза жараёнида она тили ва адабиёт ўқитувчиси Х.Умурзоқова «Бир ҳафтада

ЯНГИ БАЛИҚ ТУРИ ПАРВАРИШ- ЛАНМОҚДА

Хоразм Маъмуни академияси олимлари янгида янги изланишлар олиб боришмоқда. Шу боис ҳам мазкур даргоҳ ютуқлари йилдан-йилга кўпаймоқда.

Яқинда яна бир янги хайрли ишга қўл урилди. Академия раиси, биология фанлари доктори Рўзминбой Эшжонов ташаббуси билан Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган бақра балиқларини кўпайтириш бўйича амалий ишлар йўлга қўйилди. Хусусан, бу борда Россия балиқчилик илмий текшириш институти давлат унитар корхонаси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга асосан балиқни кўпайтириш учун махсус сунъий сув ҳавзаси ва унинг ускуналари келтирилди. Сув ҳавзаси академиянинг қишки боғига ўрнатилди. Ҳозирги кунда катта илмий ходим Зокиржон Ражабов назорати остида бақра балиқлари парваришланмоқда.

— Бу жуда мураккаб иш, — дейди З.Ражабов. — Улар вақтида озиқлантирилмас кўп захматлар эвазига олиб келинган ва парваришланаётган балиқлар нобуд бўлиб, меҳнатимиз зое кетиши мумкин. Шу боис бундай ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўраялгимиз. Ноёб балиқ турлари кечаси-ю кундузи назорат остида.

Хуллас, яқин келажакда сунъий ҳавзада ўстирилиб, кўпайтирилган бақра балиқларини Амударёда кўпайтириш ва балиқчилик хўжаликларига етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Аброр УМАРҚУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Хомийлик нима? Кимлар хомий бўлишлари мумкин? Хомий ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асоси қандай, деган саволларга жавоб бериш мақсадида «Хомийлик тўғрисида»ги қонун ҳақида сўз юритамиз.

Мамлакатимизда 2006 йилнинг “Хомийлар ва шифокорлар йили” деб номланиши қатор эзгу ишларнинг амалга оширилишига туртки бўлди. Бундай муносабатларнинг ҳуқуқий негизи 2007 йилнинг 2 майида яратилди. Мамлакатимиз Президентини Ўзбекистон Республикасининг “Хомийлик тўғрисида”ги қонунига имзо чеки ва мазкур ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинган кундан, яъни 2007 йилнинг 3 майидан кучга кирди.

Қонун 4 боб, 23 моддадан иборат. Унинг мақсади хомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонунга кўра, **хомийлик (хомийлик фаолияти)** — бу юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик мақсадларида бошқаларга мол-мулкни, шу жумладан, пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартда бериш, улар учун муайян ишларни бажариш, уларга хизматлар кўрсатиш ва бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий бегараз ёрдамдир. Хомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар **хомийлик ташкилоти** фаолиятини ҳам йўлга қўяди. Яъни, улар жамиятнинг, айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзлаб, бегараз ёрдам кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Хомийлик қонунда аниқ белгиланганидек, қуйидаги мақсадларга амалга оширилади:

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифалари моддий аҳолини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли, мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;

халқлар ўртасида тинч-

лик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;

таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек, шахсининг маънавий камол топишига кўмаклашиш;

касаликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқаро-

қўллаб-қувватлаш хомийлик ҳисобланмайди. Айни вақтда сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида хомийлик қилиш, қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни хомийлик воситасида қўллаб-қувватлаш ҳам тақиқланади.

Хомийлик ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа шаклларда ташкил этилиши мумкин. Унинг номи “хомийлик” деган сўзни ўз ичига олган бўлиши керак. Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар уларнинг муассислари бўлишга ҳақлидир. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари ҳамда

лан тушумлар; хомийлар ва кўнгилчиларни жалб этиш, шу жумладан, хомийлик хайриялари йиғиш мақсадида ўтказилган кўнгилчор, маданий, спорт тадбирлари ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этишдан тушадиган маблағлар; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лотереялар ва кимовиди савдолари ўтказишдан олинган даромадлар; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Қонун, шунингдек, хомийлик дастури билан боғлиқ масалаларни ҳам тартибга солиди. Унга кўра, хомийлик дастури хомий ташкилотнинг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва мазкур ташкилот низоми-

Қонун ва фуқаро

га оширади. Ташкилотнинг молиялаштириш манбалари ва даромадлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши устидан қонун ҳужжатларида мувофиқ назорат ўрнатиллади.

Хомийлик ташкилотлари халқаро даражада ўз фаолиятини амалга ошириши мумкинми?

Хомийлар, кўнгилчилар ҳамда бу ҳилдаги ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ҳамда халқаро шартномаларда белгиланган тартибда иш юритиши мумкин.

Хомийлик ташкилоти чет эл фуқароларидан, фуқаролиги бўлмаган шахслардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хайриялар олиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, юқорида санаб ўтилган шахслар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хомийлар ва кўнгилчилар сифатидаги фаолиятни қонунга мувофиқ амалга оширади.

Қонуннинг ўзида хос моддаларидан бири — бу “манфаатлар тўқнашуви”га қаратилган нормади. Унга кўра, хомийлик ташкилоти ва манфаатдор шахслар (масалан, ташкилот раҳбарлари, аъзолари, уларнинг яқин қариндошлари ёки кредиторлари) ўртасида амалга ошириладиган, ташкилотнинг мол-мулкни тасарруф этишга дахлдор бўлган, уларнинг манфаатлари ҳамда мақсадларига мос келмаган битим ва операциялар эътироф этилади. Хомийлик ташкилотининг манфаатдор шахслар билан битимлар тузишига, улар фойдасига бошқа ҳаракатлар амалга оширилишига бошқарув органи розилиги билан йўл қўйилади. Манфаатлар тўқнашуви чоғида вужудга келадиган низолар ташкилотнинг юқори бошқарув органи томонидан, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд томонидан ҳал қилинади.

«Хомийлик тўғрисида»ги қонун шу йўналишдаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Миродил БАТОРОВ,
юридик фанлар доктори,
Қувонч ХУЖАМУРОВОВ,
тадқиқотчи

ҲОМИЙЛИК ТАШКИЛОТИ

унинг фаолияти қандай тартибга солинади?

роларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;

жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;

аҳолини табиий офатлар, экология, sanoat ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;

маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ хомийлик бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Демак, юқоридагилардан шундай хулоса келиб чиқадики, хомийлик ихтиёрий равишда, бегараз бўлиб, ундан муқобил ижро қилинмайди.

Ушбу мақсадларнинг қай бири кишилар ўртасида ихтилоф келтириб чиқариши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Ахир, уларнинг ҳаммаси яхшиликка, эзгуликка, тинчликка, пировардида, инсониятга хизмат қилади-ку?

Тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий ёрдам бериш, шунингдек, уларни

ташкилотлари хомийлик ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин эмас.

Бинолар, ер участкалари, транспорт, иншоотлар, асбоб-ускуналар, пул маблағлари, қимматли қўғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек ахборот ресурслари ва шу каби интеллектуал фаолият натижалари хомийлик ташкилотининг мулк бўлиши мумкин. Ташкилот ўзида бўлган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларига, ташкилот низомига ва хомийлик мақсадларига зид бўлмаган ҳар қандай битимни тузишга ҳақлидир. Бу каби ташкилотларга берилган хайриялардан фақат хомийлик мақсадларида фойдаланилади.

Хомийлик ташкилотининг мол-мулк қуйидаги манбалардан шакллантирилади: ташкилот муассисларининг бадаллари, аъзолик бадаллари; юридик ва жисмоний шахсларнинг пул ва (ёки) бошқа мол-мулк шаклидаги хомийлик хайриялари; акциялар ва бошқа қимматли қўғозлардан олинган даромадлар; қонун билан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар, шу жумладан, хомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан туш-

да белгиланган мақсадларга мос келадиган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Энг муҳими, хомийлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан кафолатланади. Хомийлик субъектининг ўз мақсадларини амалга ошириш шаклларини танлаш эркинлиги ихтиёрий.

Давлат хомийлик ташкилотлари ишлаб чиқадаган дастурларни танлов асосида молиялаштириш; давлат мол-мулкни хомийлик ташкилотларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бепул ёки имтиёзли асосда мулк қилиб бериш; давлат мулк бўлган биналар, жойлар ва бошқа мол-мулк ижараси ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериш; хомийлик ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш; хомийлар, кўнгилчилар ҳамда хомийлик ташкилотларини рағбатлантириш шакллари орқали хомийликни қўллаб-қувватлаши мумкин.

Адлия органлари хомийлик ташкилотининг низоми қондаларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амал-

ИЛИҚЛИК БОР ЖОЙДА...

Яқинда Қувасойдаги шифер ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Мўсинжон Меҳмонов номига бир хат келди. Унда шундай дейилди:

«Мухтарам Мўсинжон Дадажонович! Қувасой шаҳар 90-кар-соқов болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати маъмурияти сизга қорхонангиз томонидан кўрсатилган ёрдам учун ўз миннатдорлигини билдиради.

Ҳурмат ва эҳтиром билан мактаб-интернат жамоаси номидан: директор Азамат Мадаминов».

Дарвоқе, таълим муассасаси иситиш тизими, марказий иситиш тармоғига улангани боис, қиш ойларида синфхоналар ҳароратининг мўътадиллигини сақлаш

айрим кунларда муаммо бўлиб қоларди. Ушбу ҳолатдан бохабар бўлган Мўсинжон Меҳмонов мактабга масалага ечим излашда кўмакка шошилди.

Мутахассислар билан муаммони обдон ўрганиб, янги алоҳида қозонхона қуриш орқали ўқув корпусидан ташқари ётоқхона, ошхона ва спорт залини иситиш режалаштирилди. Савоб ишни ҳар куни қилиш керак. Шундай қилиб, мактаб-интернатда қурилиш ишлари бошланди. Қурувчилар мактаб-интернатнинг янги иссиқлик манбаи — қозонхонани қисқа мuddatда ишга туширишди. Болаларнинг юз-кўзидаги қувончни кўриб, қорхона меҳнаткашларининг ҳам қалблари

Гурурга тўлди. **Saxovat**

Ахир, миннатдорчилик ҳар қандай мукофотдан ортиқ эмасми?

«Тадбиркор — элга мададкор», деганларидек, Мўсинжон Меҳмоновнинг бу каби ибратли ишлари таллайгина. Эл-юрт ардоғидаги камтарин инсон Мўсинжон Меҳмонов яқинда таълимни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Халқ таълими вазириликнинг «Таълим хомийси» кўрак нишонига сазовор бўлди.

Абдужаббор ХУСАНОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

XX asr boshlarida butun dunёda bolalar uchun maxsus muzeylar tashkil etish an'anasi shakllandi. Jaxon muzeylarining zamonaviy йўналишlaridan biri — muzey pedagogikasi бўлиб, мамлакатимиз музей-шунослари ва педагоглари тўлиқ ўзлаштиришга интилаётган бу соҳа болаларни тарбиялаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёнини осон ва қизиқарли тарзда амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда турли йўналишдаги болалар музейлари кичкинтойларга ўйин, ижод ва мулоқот орқали борлиқни таниш, унинг мураккаб қонуниятларини ўзлаштириш имконини бермоқда. Дeyлик, мактабдаги таълим жараёни қатъий ўқув дастурига асосланган ҳолда ташкил этилади. Музейда эса эркин ҳаракат қилиш, фикрлаш, мулоҳаза юритиш учун ҳамма имконият мавжуд. Бу ерда қанча вақт бўлиш, нималарга эътибор бериш кераклигини боланинг ўзи ҳал қилади. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда музейлар, асосан ёшларнинг қизиқиши ва талабини қондирувчи, тарих билан юзма-юз туриб эркин мулоқотга киришишга шароит яратувчи ўзига хос масканга айланиб бормоқда.

Болалар музейининг ўзига

қайлар турли халқларнинг тарихи ва миллий анъаналари хусусида маълумотга эга бўладилар.

Францияда жойлашган Шарл Перро қаср-музейи оилавий таъриф учун ажойиб маскан саналади. Бинода 160га яқин мум ҳайкаллар мавжуд. Улар орасида Этик кийган мушук, бахайбат Кўксоқол, Қизил қалпоқча каби машҳур эртак қаҳрамонларини урғачиш мумкин. Қаср атрофидаги катта боғда яшил лабиринт яратилган бўлиб, у ерда болалар сирли хазинани излаш билан машғул бўлишади. Жараёнда улар боғдаги яшил олам, яъни ўсимликлар ва дарaxтлар билан танишишлари мумкин. Ҳар йили 17 декабрдан 3 январга қадар қасрда турфа рангдаги минглаб Янги йил чироқлари нур сонади.

лойиҳалаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз режасини маъқул билади. Натияжада, қурилиш жараёнида ҳар бир меъморнинг истақлари навбат билан амалга оширилади. Болалари билан музейга ташриф буюрган катталар мазкур ажойиб уй лойиҳасининг алоҳида тафсилотларини «Уй тарихи» номли компьютер дастури орқали томоша қилишлари мумкин. Уйдан ташқари, музейда мумий-троллар ҳаётидан олинган қирққа яқин эртак макетлари ишланган.

Буёқ Британияда жойлашган Болалик музейидаги энг кўна ўйинчоқ уч минг йиллик тарихга эга. Умуман олганда, Лондондаги Болалик музейи 20 мингга яқин буюмларни умумлаштирган бўлиб, айнан шу коллекция «болалик» тушунчасини тўлиқ ифода қилади. Буюмлар орасида чинни, ёғоч, пластик ва мумдан ишланган қўғирчоқлар, хилма-хил ранг ва ҳажмдаги ўйинчоқлар, темир йўл макетлари, ҳарбий аскар ҳайкалчалари тўплами, ўнга яқин қўғирчоқ ўйилари, айқачлар, болаларнинг турли урфдаги кийимчалари, болалар мебеллари, стол

туйнуқларидан арқон ёрдамида сакраш ва ҳоказо. Ҳафта-нинг ҳар сешанба кўни қасрда қўғирчоқ театрлари сахналаштирилади.

Энг кичкина томошабинлар учун maxsus болалар хоначаси қурилган бўлиб, бу ерда улар деворга чизилган жониворлар билан суҳбатлашиши мумкин (ҳайвонлар maxsus дастур орқали сурат тарзида жойлаштирилган бўлиб, улар берилган саволларга хитой тилида жавоб берадилар). Музейдаги супермаркет залида фақатгина фойдали маҳсулотлар (мева-лар, полиз экинлари, суг, гўшт) сотувага қўйилган бўлиб, бу ерда болалар сотувчи ҳам, хариддор ҳам бўлиш имкониятига эга бўладилар. Сув олами дунё бўлимида кичкинтойлар қўмилиши, сузишни ўрганиши, қайқда сузиши, шунингдек, сувга чидамли maxsus қоғозлар расм чизиши мумкин. Сув хавзаси атрофидаги қўмқоқда болаларнинг шаҳарчалар, уйчалар қуриши учун шарт-шароитлар яратилган.

Катта интерактив Зум (Zoom) — Европадаги энг яхши болалар музейи ҳисобланиб, у Вена шаҳри марказида жойлашган. Музей бир қанча

Исроилдаги Холон Болалар музейи — болалар ва катталарнинг маънавий хордиқ чикариши энг қўлай масканлардан бири ҳисобланади. Бу ажойиб музейда болалар булут устида сузиши, вақт лабиринтлари бўйлаб саёҳат қилиши, қорға қўмилиши, боғқорликда қурбақалар концертини тинглаши мумкин. Музейдаги энг оммабоп кўргазма «Қоронғуликдаги диалог» деб номланиб, у сўқир инсон яшаётган оламни тасвирлайди. Кўзлари боғланган болалар сўқир инсон йўлбошчилигида турли товуш ва хидлар орқали дунёни англашга ҳаракат қиладилар. Шу тарзда улар кўчаларга чиқадилар, кафе, дўкон ва бозор расталаридаги қутилмаган синовлардан ўтадилар, кўра олиш неъматининг нақадар катта бахт эканини тушуниб етадилар. Охириги йилларда буларга янги «Сукунатга тақлиф» лойиҳаси қўшилди: болалар ва катталар гўё кар-соқов бўлиб, «жим-житлик муҳити»га саёҳат қиладилар.

Музей ишидаги бу каби ёндашувлар томошабинларга ҳиссий таъсир қилиш мақсадини кўзда тутади. Боланинг ички иродаси, интеллектуал салоҳияти, тафаккури, нутқининг ривожланишидаги экспонатлар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Болаларни мактаб парталаридан ташқарида ҳам ўқитиш, тарбиялаш жараёнига мамлакатимизда ҳам жуда катта эътибор қаратилаётгани маълум. Жумладан, илк бор ЎзРФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида «Мўъжизалар оламида» болалар музейи таш-

БОЛАЛАР МУЗЕЙЛАРИ — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСКАНИ

хослиги шундаки, у ерда фонд ва витриналар бўлмас ҳам, экспонатларни кўлга олиб кўриш мумкин. «Болалар музейи» дастурлари жажжи қалб соҳибларининг ижодий қобилиятини ва коммуникатив маъласини шакллантиришга қаратилган. Ҳозирги кунда дунёдаги болалар музейларининг умумий сони 400дан ортқ бўлиб, уларнинг айримлари юқори суръатларда ривожланаётган машҳур дунё музейлари қаторига кирилади. Болалар музейларининг асосий қисми, яъни салкам 300таси АҚШда, қолганлари эса Европада жойлашган.

Чехиядаги Ўйинчоқлар музейи машҳур чех режиссёри ва рассоми Иван Штайгер томонидан тўпланган ўйинчоқлар коллекцияси асосида яратилган бўлиб, Болалар музейлари ўртасида коллекцияларининг бойлиги ва қизиқарлилиги билан жaxon рейтингига биринчи ўринда туради. Бу музейнинг филиали Мюнхен шаҳрида ҳам фаолият олиб боради.

Мазкур музейдан болалар орзу қилган хилма-хил ўйинчоқларни топиш мумкин: қадимий ва ўзига хос ўйинчоқлар билан безатилган арчалар, буғ билан юрадиган машина модели, ҳарбий саркардалар ҳамда машҳур инсонлар ҳайкалчалари ва ҳоказо. Штайгер ўйинчоқлари бир қарашда инсониятнинг тадриҳий ривожланиш босқичлари ифодасидир. Қадимги Мисрдан топишган ўйинчоқлар, ҳиндулардан қолган митти ҳайкалчалар билан танишиш асносида бола-

дунё болалари меҳрини қозонган музейлардан яна бири Швециядаги Астрид Линдгрэн музейи саналади. Музей бир қанча қисмларга ажратилган: ўйинчоқлар, «эртаклар олами» бўлими, Карлсон таомномаси асосидаги ошхона ва мўъжазгина китоблар дўкони. Ўйингоҳ майдонида швед халқ эртаклари асосида бунёд этилган турли қаҳрамонларнинг уйчалари жойлашган. Ҳар бир уйчада эртак муҳитини яратувчи мўъжаз меъбел жижозлари, кийимлар, идиш-товуқлар бўлиб, болалар уларни ушлаб кўриши ва ўйнаши мумкин. Шунингдек, қизиқарли спектакллари сахналаштириш орқали болалар ўзларининг драматургик қобилиятларини шакллантирадилар. Экспонат-аттракционлар орасида энг ажойиб эртак-поезд бўлиб, у Астрид Линдгрэн музейидаги барча эртакларни реълеслар бўйлаб ҳаракатланган ҳолда томоша қилиш имконини беради.

Мумий-тролл (еростидидаги митти одамчалар) музейи Финляндиянинг Тампере шаҳарчасидаги кутубхона ертўласида ташкил этилган. Бу ерда троллар ҳаётига бағишланган Люис Кэррол ва Жон Роналд Толкин асарлари асосида 2000дан ортқ сурат, эскиз ва иллюстрациялар тўпланган. Болалар бу ерга фақатгина суратларни томоша қилиш учун эмас, балки мумий-троллларнинг 2,5 метрлик уйчасида меҳмон бўлиш учун ҳам ташриф буюрадилар. Беш қаватдан иборат уйча кўпба хоналарга эга. Аммо болалар бу хоналарга кира олмайдилар, фақатгина томоша қилишлари мумкин. Ҳар бир хона ўзига хос тарзда жиҳозланган бўлиб, ҳаммаси митти чироқчалар билан ёритилади. Унинг энг четдаги йўлакчага эса хазина яширилган. Уйчанинг ноанъавий ба ажойиб кўриниши бир вақтнинг ўзида уч муаллиф томонидан

ўйинлари мажмуалари мавжуд. Қизиқарлиси, музейга ташриф буюрган киши ўз болалик хотираларига қайтиш имконига эга бўлади. Музей биносининг юқори қаватида интерактив кўнгил очиш ўйингоҳи жойлашган бўлиб, у ерда тебранувчи кўзгү, мусикали автомат, ўйинчоқларга эга қўм майдончаси жойлаштирилган. Экспозицияга қўйилган турли либос ва бош кийимларни кийиб кўриш мумкин. Maxsus хонада беш ёшгача бўлган болалар бўлими жойлашган ва бу ерда кичкинтойлар Тедди исмли юмшоқ айқича билан дўст тутинган ҳолда яйраб дам олишади. Катта ёшдаги болалар эса қўғирчоқлар ясаши ёки бириктирилган тарбиячи бошчилигида maxsus техникалар орқали ўз кийимларига безак беришлари мумкин.

АҚШдаги Стронг — ўйинлар музейи Америка тарихидаги миллий ўйин ва ўйинчоқ тарихини тадқиқ эттишга бағишланган музей саналади. Музейнинг 500 мингдан ортқ экспонати қаторида дунёдаги энг улкан қўғирчоқлар ва ўйинчоқлар коллекцияси жамланган. Ўйинчоқлардан ташқари музейда 100 мингга яқин гилдирақли ва стол ўйини бўлиб, уларни қандай ўйнаш ҳақида болалар шу ернинг ўзида билиб олишлари мумкин.

Сўнгги йилларда музей видеоўйинларга бағишланган янги экспозициялари билан омма меҳрини қозонди. Ушбу тўпланмадаги «Электрон ўйинлар тарихи» коллекцияси 15 мингга яқин компьютер ва консол ўйинларини умумлаштирган бўлиб, жумладан эски ўйин усқуналари ҳам киритилган.

Хитойдаги Пекин Болалар музейи асосан 8 ёшгача бўлган болаларга мўъжалланган. Музей биносига кириши биланок, болалар «Сеҳрли лавия уйчаси» макетига тўқнаш қиладилар. Бу уйча уларни сирли қаср томон етаклайди. Қасрда қандай машғулот билан банд бўлиши ҳамма ўзи ҳал қилади: арқонлардан тўқилган кўприкда сайр қилиш, турли гилдирақларда олмаҳон билан учиш, дераза



Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошидаги Болалар музейи

бўлимларга ажратилган: Зум Океан — 6 ёшгача бўлган кичкинтойлар учун, 3—12 ёшдаги болаларга — Зум Студия, Зум Кўргазма — турли ёшдаги ижодий фаолият олиб боровчи ёшлар учун, Зум анимацияли фильм студияси — мактаб болаларига мўъжалланган. Кичкинтойлар бўлимида аттракционлар, ойнабанд туннеллар, сувли матраслар, турли бино макетлари бунёд этилган. Студия — maxsus устакхона саналиб, у ердаги девор, пол, пештахталар, идишлар бир муддатдан сўнг санъат асарига айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, студияда оддий пластик идишлардан уйлар, одамлар, ҳайвонлар ва бошқа турли ҳайвонларни ясашга рўхсат берилади. Устакхонада ишлаш учун болаларга maxsus кийимлар, резина этиклар кийгизилади. У ерда болалар ҳатто ўз лойиҳалари асосида турли биналарни оддий қурилиш хомашёларидан барпо этишлари мумкин. Зум мультимедияли студиясида мактаб ўқувчилари кинонинг турли соҳаларида ўзларини синаб кўрадилар: операторлик санъати, анимация, режиссура, декорация яратиш ва ҳоказо.

кел этилди. Бу музей 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга мўъжалланган.

Болалар музейида «Ёш археологлар», «Ёш кулол», «Ёзув тарихи», «Ўзбекистон неъматлари» каби қизиқарли бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган. Музей ходимлари турфа хил маърифий-маданый тadbирлар орқали музейга ташриф буюрувчиларни янада қизиқтириш ва ушбу музейни Ўзбекистоннинг маданый, ижодий, маърифий ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириши ўз олдларига мақсад қилиб қўйган. Яқин келажакда Ўзбекистонда биринчи бор ташкил этилган ушбу музей «Музей педагогикаси» лойиҳаси доирасида янада ривожлантирилиб, интеллектуал коллекциялар билан бойитилган ҳолда Ўрта Осиёдаги биринчи Болалар музейи сифатида Музейшунослик фани тарихига муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

М. МУҲАМЕДОВА,
Камолiddин Бехзод
номидаги Миллий
рассолик ва дизайн
институту
Музейшунослик
кафедраси катта
ўқитувчиси



АҚШдаги Strong National Museum of Play Болалар музейи

ТАРМОҚ ХУЖАЙРАЛАРИНИНГ ЯНА БИР ЮТУФИ

Океанортилик олимлар тармоқ хужайралари ёрдамида заиф эшитувчи болаларнинг кулоғидаги касалликларни даволашда янги муваффақиятга эришишди, дейилади «Компьюлента» манбасида.

Мутахассисларнинг айтишича, нейросенсор кулоқ оғирлиги номи билан хасталик кулоқнинг ички қисми шикастланиши оқибатида юзага келаркан. Бу она қорнида ҳомилага кислород етишмаслиги ёки туғруқ пайтидаги шикаст, инфекция, аллергия, баъзи дори-дармонлар ва баланс шовқиннинг салбий таъсири натижасида вужудга келиши мумкин экан. Касаллик ўртача ҳар минг нафар боладан олтитасида кузатилади.



Океанортилик олимлар болаларни ўзининг киндик қонидан олинган тармоқ хужайралари захираси орқали даволашга рухсат олгандан сўнг 2009 йилда дастлабки тажрибани бошлашган. Ушанда Техас тиббий маркази ҳодимлари етти ҳафталик Финн Макратта ўзининг киндик қони тармоқ хужайраларидан тайёрланган дорини организмга киритишган. Бу кичкинтойга она қорнида кислород етишмагани боис ички органлари зарарланган ва кулоқ оғирлиги юзага келган. Иккинчи марта дармон киритилгандан сўнг боланинг ота-онаси унда ижобий ўзгаришлар сеза бошлаган. У овозларни таний бошлаган ва ўзи ҳам турли товушларни чиқаришга ҳаракат қилган. Учинчи марта дори киритилгандан сўнг текширилганда эса бола эшитаетгани аниқланди.


Натижадан руҳланган олимларнинг эндиликда олти ҳафталик ва 18 ойлик заиф эшитувчи яна 9 нафар болаларни даволашни бошлаётгани маълум қилинмоқда.

ГАПИРАДИГАН ЛУГАТ

Тилшунос олимлар таҳминга кўра, айни кунда муомалада бўлган 7 мингга яқин дунё тилларининг салкам ярми 2100 йилга келиб ўлик тилга айланиш хавфи остида экан. Шу боис тилшунослар рақамли технология ва интернет воситасида йўқолиб бораётган тилларни сақлаб қолишни мақсад қилишди, деб ёзди «Вашингтон Пост» нашри.

Океанортидаги Сватсмор коллежи доценти Дэвид Харрисон ва муомаладаги ҳамда йўқолиб бораётган тиллар институти президенти Грегори Андерсон ўзига хос тарзда илм-фанга ўз хиссасини қўшиб, бу ишни «гапирадиган лугат тузиш» деб аташмоқда.

Жараёнда йўқолиб бораётган тилларда сўзлашувчиларга ўз она тилидаги сўзлар талаффуз қилдирилиб, сўнг бу аудио ёзувлар асосида «гапирадиган лугат» тузиляпти. Якунда барчаси махсус веб-саҳифага жойлаштирилади.



Эътиборлиси, улар ўрганаётган баъзи тилларни шу пайтгача ҳеч ким тасмага туширмаган. Масалан, 2010 йилда улар Ҳиндистон шимоли-шарқидagi бир неча юз одам сўзлашадиган коро тилидаги сўзларни ёзиб олишга муваффақ бўлган.

Ҳозир улар тузган электрон лугатда йўқолиб бораётган саккиз тилдаги 32 мингдан ортиқ сўз жамланган, 24 мингдан ортиқ сўз ва ибораларнинг жонли талаффузи ҳам берилган. Таъкидланишича, бугун хатто ёзуви бор қатор тиллар ҳам йўқолиб кетиш хавфи остида экан. Масалан, Ҳиндистоннинг Жарқанд штатидаги 1 миллион аҳоли гапирадиган хо тили бу ерда нисбатан кенг тарқалган шевалар туйфайли йўқолиб кетиши мумкин. Аслида айнан шу каби кичик аҳоли гуруҳлари маданиятини сақлаб қолиш ниятида бу сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун дарсликларни қайта нашр этиш юзасидан тендер савдоларига таклифлар бериш муддатини узайтириш тўғрисида эълон

Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 8 февралдаги «Ma'rifat» газетасининг 11 (8452)-сонида эълон қилинган 2012-2013 ўқув йилига умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан Тендер савдоларига таклифлар бериш муддати 2012 йил 28 февраль соат 14:00 гача узайтирилди.

Тендер таклифлари 2012 йил 28 февраль куни соат 15:00да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

АФРИКА ҚУРҒОҚЧИЛИГИГА ОКЕАНЛАР САБАБМИ?

АҚШдаги Колумбия университети олимлари 2 миллион йил илгари Ҳинд ва Тинч океанлари ҳарорати кескин ўзгарганини аниқлашди. Таъкидланишича, айнан шу ҳолат Африка шарқида ёгингарчиликнинг «кўчиши»га олиб келган. Натижада, улкан ўрмонлар ўрнига яйловлар пайдо бўлган. Ҳайвонлар сони ортиб, кийик, от каби жонзотлар кўпайишига қулай шароит туғилган, дейилади «ScienceNOW» манбасида.

Аваллига Колумбия университети олими Питер Деменок бу борада ўртага ташланган бир неча фикрни ўрганиб чиқди. Уларга, хусусан, Шимолий Атлантиканинг совиши, атмосферада карбонат ангидрид камайиши ва вулқонлар фаоллашуви киритилган. Лекин уларнинг бирортаси ҳам «Қора қитъа»даги вазиятга ойдинлик киритмади.

Шунда мутахассис экватор бўйлаб океандаги ҳарорат кўрсаткичларига эътиборини қаратди ва айнан улар бугунги ёгингарчилик ҳолатини белгилаб берди. Маълум бўлишича, бугун Тинч океанининг ғарбий экватор қисмида (Борнео ороли атрофида) ва Ҳинд океанининг шарқий қисмида (Австралия шимоли-ғарбида) илик сувлар йиғилиб, улар ёгинларни «тортиш» хусусиятига эга. Ўтмишда эса ёгингарчилик бутун Ҳинд океани бўйлаб Африка шарқидан тортиб, Австралиягача деярли бир хил бўлган экан.



Жараёнда олимлар Ҳинд океани устки қатлами ҳарорати кўрсаткичларини ўрганиб, уларни Тинч океани тубидаги жинслар ёрдамида олинган маълумотлар билан солиштирган. Аниқланишича, ўтмишда Ҳинд океанининг барча қисмида ҳарорат бир хил — 27-28°C бўлган. 2 миллион йил илгари эса вазият ўзгариб, унинг ғарбий қисмида ҳарорат 25°Cга тушган, шарқий қисмида аксинча 28-29°Cга кўтарилган. Ҳудди шундай ҳолат Тинч океанида ҳам кузатилган, бунда фақат шарқий қисм исиб, ғарбий ҳудуд эса совиган.

ШИША ПОЙДЕВОР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Мичиган университети (АҚШ) олимлари синган шisha бўлаклари ёрдамида бино пойдеворини анча мустаҳкам ва пишиқ қилиш мумкинлигини таъкидлашмоқда. Қолаверса, бу цемент кукунини ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган энергияни тежашнинг ҳам яхши усули бўлар экан. «ФизОрг» манбасида бу ҳақда маълум қилинди.

Такиф этилаётган усул аввалига университет ҳудудида қурилган бир неча биноларда сынаб кўрилди. Уч йил олдин бу ерда пойдевор учун сарфланадиган цемент кукунининг 20 фоизи шisha синиқлари билан алмаштирилди. Мутахассислар сўзларига кўра, жараёнда синиқ шisha бўлаклари цемент гидратлари билан кимёвий реакцияга киришиб, қурилиш материаллари зичлашди ва мустаҳкам бўлади. Бу ўзаро таъсир пойдеворни қаттиқроқ, чидамлироқ, узоқ муддатга ярқоли қилади, кўп сув йиғилишининг олдини олади.



Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Евро муомалада бўлган мамлакатларнинг молия вазирлари 130 миллиард евро (170 миллиард доллар) кредит талаб этилаётган Грецияни жорий йил март ойида давлат қарзини тўлаш вақти келганида мамлакатда юзага келиши мумкин бўлган инқироздан қутқариб қолиш режасини тасдиқлади.

АҚШнинг Вашингтон штатидаги «Стивенс Пасс» дам олиш ҳудудида кўчки туйфайли қор остида қолиб кетган 8 нафар сайёх қутқарувчилар томонидан қутқарилганини «АП» ахборот агентлиги маълум қилди.

Лондон университети олимлари космосдаги «Mars Reconnaissance Orbiter» станцияси ёрдамида олинган тасвирларни таҳлил қилиш орқали Марсда яқин ўтмишда қучли zilзилалар содир бўлганини аниқлашди.

Германиянинг Франкфурт шаҳридаги аэропорт ходимлари аэродром ҳудудидаги самолётларнинг ҳаракатлари учун масъул 200 нафар авиадиспетчерлар томонидан амалга оширилаётган норозилик намойишлари давом этаётгани боис юзлаб парвозлар бекор қилинган.

Халқаро олимлар гуруҳи Мадагаскар оролида тана узунлиги атиги 16 миллиметр бўлган ва айни кунда энг кичик дея эътироф этилган Brookesia micra туридаги буқаламунни топишга муваффақ бўлди.

Мексика ва АҚШ ўртасида Мексика кўрфазидagi денгиз чегарасида нефть ҳамда газ қазиб олиш борасидаги келишув имзоланиб, унга кўра АҚШ фойдали қазилмаларни топиш мақсадида 1,5 миллион акр сувоести ҳудудидан фойдаланиш ҳуқуқи эга бўлди.

1999 йилда 1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан Менглибаева Соҳиба Ганиевна номига берилган № 330724 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«Олтин беланчак» саҳифаси

ЯХШИ ФАРЗАНА —
УМР ЗИЙНАТИ

Бу гал Навоий шаҳрида истикомат қилаётган ажойиб оила, Пахтачи автомобиль-йўллар коллежи директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Шухратилло Норов ва Навоий давлат кончили инстиуту энергомеханика факультети декани, педагогика фанлари доктори Саодат Бозорова оила си саҳифамиз меҳмони. Саволларимизга хонадон бекаси жавоб берди. У матбуот нашрларида 150дан ортиқ илмий мақола chop эттирган бўлса, улардан йигирмага яқини хоржий мамлакатлар журналларида нашр этилган. 1 монография, 2 дарслик, 17та услубий кўлланим яратди. Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги олий таълим муассасалари хотин-қизлар кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда вилоят раҳбар аёллар кенгаши аъзоси. Институт хотин-қизлар кенгашининг раиси. «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланган.

Яна бир фазилати — жуда кўп мутолаа қилади. У билан бўлган суҳбатларда «Қандай қилиб бунча юмушга улгура-сиз?» маъносидаги саволлар бўларди. Олима эса жилмайибгина «Барча муваффақиятларим турмуш ўртоғимнинг ҳамшира мени тушуниб, кўллаб-қувватлашида. У кишининг ўзлари ҳам умр бўйи илм билан машгул. Айни пайтда мени ҳаёт йўлларида сўяб келаётир...» дея жавоб қайтаради.

Ҳақиқатан ҳам инсон кўп нарсага эришмоғи, ўз хизматлари билан миллат, мамлакат тараққиётига елкадошлик қила олмағи мумкин. Бунинг учун эса оддийгина бир таянч — умр йўлдошининг бағрикенглиги мустаҳкам асо вазифасини ўтамоғи муҳим.

1. Оила тутумларида ота-бобо, момо ва оналарингизда кўрган қандай аънъаналарни маҳкам тутасиз ҳамда қай тариха бойитишга уринаясиз?

2. Маънавиятли, гўзал хулқ-аъвоҳ соҳибларининг атрофидагилар, жамоадoshлар, хусусан, сизнинг тутумларингизга таъсир хусусидаги кузатишларингиз?

3. Уғлингиз, қизингизнинг ютукларини эътиборингиздан четда қолдирмай, уларни рағбатлантириб боришни қандай таъминлайсиз?

4. Оилангиз жамиятининг том маънода бир бўлаги бўла олишни учун қандай йўл тутаясиз?

1. Отам раҳматли донишмандларнинг битикларидан ўқиб-ўқанлар, бир иборани кўп такрорларди: дунёни тўрт нарса ушлаб туради, булар — ҳикмат, ақл, қаноат ва адолатдир. Шу ҳислатлар инсонда жам бўлса, дунёдаги энг буюк саодат ҳам уни кеккайтириб қўймайди, энг катта бахтсизлик ҳам саросимга соломмайди.

Раҳматли онам эса, олимнинг илми, бойнинг сахovati, подшонинг адолати, аёлнинг ор-номуси — дунёнинг таянчи дердир... Онажоним билан бўлган олтинга тенг — топилмас ва бетакрор суҳбатларда аёлини оғизга деймизку, аммо у оқилла-йил билан ҳаётга фэйз киритувчи илоҳий хилқатлигини англаганман.

Турмушда ана шундай аънъаналарга амал қилишни ўргатган меҳрибонларимдан бир умр қарздорман.

2. Атрофимизда маънавиятли, маърифатли инсонлар жуда кўп... Шундай инсонларга ҳавасим келади, улардан ўрганишни истайман.

Фарзандларим ва талабаларимга инсонда учта куч бўлиши муҳим ўрин тутуши, булар жисмоний, ақлий, руҳий куч эканлигини доимо эслатиб тураман.

Бугун маънавий етуклик хусусида қайгуриллаётгани ҳам бир жиҳатдан руҳан бақувват ёшларни тарбиялаш масаласига бориб туташади.

3. «Арпа эксанг бир йил, дарахт эксанг ўн йил, яхши фарзанд ўстирсанг, умрбод хузур қиласан» дейишган ота-боболаримиз. Уғил-қизларимнинг ютукларидан хузур топа олиш — энг



катта орзу-ниятимдир. Қизларим Гўзал ва Хулқар — ҳуқуқшунос, ўғлим Дилшод эса Навоий кон-металлургия комбинатида геофизик-муҳандис лавозиминда фаолият кўрсатапти. Ҳасан ва Зухра мактаб ўқувчилари. 2 нафар ширин набиранинг бувисиман.

Фарзандларимга ёшлиғида «Калила ва Димна»дан масаллар айтиб, маъносини чақиқларини сўрардим, тўғри топилган жавобга, албатта, муҳофот(китобчлар, ўйинчоқлар каби) бўларди. Ҳақиқатан ҳам, боласининг доно, билимли ва албатта, бахтли бўлишини кўришни ким истатайди, дейсиз? Ахир беркоғра ўғил-қизингга қараб ўзингга баҳо бер, дейишмайди. Зеро, яхши фарзанд умрнинг зийнатидир.

4. Инсон умидли дунё деб, ҳамшира ишларининг натижасини кутиб, орзулар сеҳрида яшайди... Менинг орзуим — кичкина оилам — катта жамиятнинг фойдала бўлаги бўлишига эришим. Эл фаровонлиги, юрт равнақига озгина бўлса ҳам ҳисса қўша олсак, бу энг буюк, олий бахт!

Азизим, ота-боболаримизнинг қиёси билан айтганда, «юрагингизнинг қонидан яралган» қизингизни узатдингиз. Кечагина озгина совуқ ел эса бошида парвона бўлиб авайлаб-асрашга шай турганингиз — гулдек нозик фариштангиз энди ўзга уйнинг бекаси. У хонадоннинг эса ўз тутуми, ўз талабу қарашлари бор. Сизнинг боғингизда ўсган «ниҳол» табиийки, ўзга қорбонинг «дарахти»га айлангунча неча қовун пишғи ўтади. Фарзанд барибир фарзанд-да! Моҳитобонингиз вояга етган гўшаси томон йўл очилган кун, энтиқиб эшигингизни қоқади. Юрагини яқинларига тўкиб-сочғиси келади. Шундай кезлари сиз ниҳатда зукко бўлмоғингиз керакки, икки уй ўртасида «бориб-келган» гап-сўзлар катта фожеаларнинг илдиэ отишига замин яратмасин.

Яна хотиралар кўз ўнгимда жонланади:

Jo 'natilmagan maktublar

... Бувим унча-мунчага кечки овқат маҳали бирор жойга отланмасди. Демакки, бугун чораси кўрилмас, эртага «ғишт қолипидан кўчадиган» нимадир муаммо борки, у киши докка рўмолини ярим ёпинган кўйи тарадудга тушиб қолдилар. Шундай

монга етган муштдеккина могожим эса оламдан ўтганидан сўнг ҳам юракларни титратиб тургунчи бундай губорсиз тўйгуларни топмоқ бахтига қандай эришган экан?!

... Холамниқига етиб келганимизда шом қоронғуси

УЙДАГИ ГАП
УЙНИКИ БЎЛСИН...

Иккинчи хат

аллақачон тўрини ёйган. Бирин-кетин деразаларда чироқ кўрина бошлаган эди. «Бу кимнинг улови бўлди?» дедилар бувим ланг очик турган дарвоза қаршидаги юк машинаси томон ишора қилиб. «Яқинларимизда буннақаси йўқ эди, шекилли?» «Билмасам» дея елка қисиб қўйдим мен ҳам.

— Опамнинг нарсаларини олиб келдик, — деди шу маҳал ҳовлидан чиқиб келган холамнинг кенжа ўғли. — Яшамаса кўрпа-тўшани у ёқда нима қилади?

— Сендан ҳеч ким гап сўраётгани йўқ, — дедилар бувим жаҳл билан. — Гўдакига сен оталик қиласанми? Ким айтиди сенларга ҳе йўқ, бе йўқ нарсага ёпишинглар деб. Ота-онанг эсини еб қўйган экан, мен тирик эдим-ку? Нимани туширган бўлсаларинг, дарров ортинглар. Хали ҳамманг билан ҳисоб-китобим бор!

Могогиманинг бармоқларига чир-дир титрар, мен эса қон босимни кўтариб кетишидан қўрққанам кўйи «бўлди» деган маънода атрофда йиғлаётганлардан мадад излардим. Хар нечук сўрида жамланиб, чой дамлангунча ҳеч ким «ёрилмади» ва бу жимликни яна момонинг ўзи бузди.

— Бир бошидан гапир. Рўзгорингни бузғулик қандай кўргулик бўлдики, уйингдан бутунлай қайтиб келишга қоғланибсан? Қўлингизда боланинг айби нима? — деди момом ер чиқиб ўтирган холамнинг қизига юзланиб. — Мен сизларга доим бир гапни уқтирганман: турмуш қуришга розилик билдиргунча кўзларингизни

гизни катта-катта очинг, бўлажак умр йўлдошингиз ким эканини зийраклик билан ўрганинг, тўйдан кейин эса бу хусусда «қўлоғингиз қар, кўзингиз кўр, тилингиз лол» бўлсин. Камчилик топаман десангиз, айбсиз Парвардигор деганлар...

— Қайнотасининг қовогидан қор ёғармиш буни кўриши билан қайнонаси қилган ишидан қийқ ахтармиш, эри бўлса ота-онасининг гапидан чиқмасмиш... Кўрган кунни курсин буни у ерда... — Қизидан садо чиқмағач холам кўз ёшини рўмолининг учига артганча, дардини тўкиб сола бошлади. — Еган оши заҳар, кундузимиз хуфтон...

— Тўхта, нега «миш, миш» деб гапираяпсан? Се-зишимча, қизинг тинмай гап ташийди-ёв. Ҳамма балонинг боши шунда! — деди бувим синглисининг гапини бўлиб. — Сен ҳам эринмай эшитасан...

Холам ҳам гапини бермас, чой пиёлада совиб, неча бора янгиланарди. Бувим бечора ҳаммасини тинглади ва узок ўйга толғач, ухлаб қолган боласининг сочларини силаб пирқиллаб ўтирган опамни ёнига чақирди-да, майин овозда деди:

— Жон қизим, ҳаёт, рўзгор сеники. Ҳеч ким минг қуйиб-ёнимасин сен бўлиб яшолмайди. Унутма, халқимизда «Биринчи бахтинг ой бахтинг, иккинчиси сувга оқдинг» деган гап бор. Истасанг эрталабгача обдон ўйлаб кўр. Дейлик, бир ой — ўттиз кун. Шундан неча кунинг хуш ўтади? Балки ана шу бахтиёр дамларинг учун неча кундир қийинчиликларни қаттиқ тишлаган даркор. Чиққан қиз чиғирқдан ташқари, деганларидек, бу ерда сенинг йираб юрадиган дамларинг ўтиб кетган. Эрта-индин уқанг уйланса, бу оиланинг келажagini тебратгунчи келин бўлади. Ажрашиб келсанг, меҳмондайн иззат топиб, меҳмондайн хизмат қилишинг қийин... Агар қайтиб бориш йўригини топа олмаётган бўлсанг, мана мен борман. Сенинг бахтинг учун қудаларинг дашномига туриб беришга кучим етади! Фақат бундан кейин у ёқнинг гапини бу ёққа, бу ёқкини у ёққа олиб бормайсан!

... Эрталабки нонушадан сўнг холамнинг қизини эргаштириб қўшни қишлоққа отландик. Боласини дам қўтарамиз, дам етаклаймиш. Миттивой дарвозаларига яқинлашимиз билан шундай сўяндики, кўриб қўнглим бузилди. Бир томондан момомга меҳрим яна юз чандон ошиб кетгандек бўлди.



илгор ахборот технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, замон талаблари асосида хизмат кўрсатмоқда. 810 мингдан зиёд китоб фондига эга марказ хизматидан 6 мингта яқин китобхон фойдаланмоқда. Марказ ўқув залига замонавий компьютерларнинг ўрнатилиши талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар учун катта қулайлик яратди. Ҳозир бу ерда республикамиздаги барча олий ўқув



ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Фарғона давлат университетида талаба-ёшларнинг чуқур билим олиб, етук мутахассислар бўлиб етишиши учун барча шароит муҳайё. Буни университет қошидаги ахборот-ресурс маркази фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган марказ энг



юртларидан фанлар бўйича олинган маъруза матнларининг электрон вариантлари mavjud. Компьютерлар интернет тармоғига улангани ва электрон адабиётлар ресурси билан бойитилаётгани самарасида марказ хизматидан фойдаланаётган илмга чанқоқ ёшлар сафи тобора кенгаймоқда.

Суратларда: Фарғона давлат университети қошидаги ахборот-ресурс маркази фаолиятидан лавҳалар.

Муқимжон ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган суратлар.

реклама * реклама * реклама * реклама * реклама * реклама * реклама * реклама * реклама

«STEEL PANTERA» МЧЖ ЯНГИ АУДИО-АЛЬБОМЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Фафур Фуломнинг «Шум бола» асари ҳамда «Ўзбек халқ эртаклари» аудио-альбомини сотувга чиқарди. Мазкур аудио-альбомларни «OSCAR» дўконлар тармоғидан харид қилишингиз мумкин. Аудиокитобларни қуйидаги телефон орқали сўранг:

(+99871) 245-70-86



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV,
Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor
DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV
(bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib),
Mahmuda MURZAYEVA, Husan
NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari),
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib,
"Учитель Узбекистана"), Sa'dulla
HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-218.
Tiraj 56150.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir
qilinmaydi va maullifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'рта va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'рта maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Baxtiyor YOQUBOV.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

ЎзА жуми — 22.40
Топshirildi — 23.20